Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 31-may, shanba № 66-67 (3416)

Биз ўз олдимизга қўйган буюк марраларни эгаллаш йўлида кундалик ҳаётимизда амалга ошираётган, бутун дунё тан олаётган режа ва дастурларимиз, ўсиш суръатларимиз, кундан-кунга қиёфаси ўзгариб, куч-қудратга тўлиб бораётган гўзал ва бетакрор она юртимиз, энг муҳими, ривожланган мамлакатлардаги тенгдошлари билан тиллашув ва беллашувга тайёр бўлиб, тобора ҳал қилувчи куч даражасига кўтарилаётган сиз, азиз ёшларимиз, фарзандларимиз билан биз кўзлаган мақсадларимизга албатта эришамиз. Бунга ҳеч қандай шубҳа бўлмаслиги керак.

Ислом КАРИМОВ

«Баркамол авлод» спорт ўйинлари қатнашчиларига

Қадрли фарзандларим!

Авваламбор, сиз, азиз болаларимни, сизларни қутлаб турган муҳтарам устозмураббийлар, ота-оналар, ёру дўстларингизни Ўзбекистон ҳаётидаги улкан воқеа — ёшлик, камолот ва спорт байрами — «Баркамол авлод» ўйинларининг тантанали очилиши билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман, барча-барчангизга соғлик-саломатлик, бахт-саодат, янги-янги омадлар тилашдан бахтиёрман.

Айни шу кунларда янада чирой очиб бораётган Наманган заминига, ушбу мусобақаларга чуқур тайёргарлик кўриб, сизларни бағрини кенг очиб кутиб олаётган, меҳр-оқибат, одамийлик каби фазилатларнинг ўрнини, қадрини биладиган, меҳнаткаш ва меҳмондўст Наманган аҳлига, мана шу муаззам стадионда тўпланиб турган сизларнинг барчангизга ўзимнинг юксак ҳурматимни изҳор этишдан хурсандман.

Азиз болаларим, фарзандларим!

Биз бугун мамлакатимизда янги давлат, янги жамият барпо этмоқдамиз. Лўнда қилиб айтганда, биз ўз олдимизга қўйган буюк мақсадлар, яъни, дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини ошириш, ўз эркинлигимизни, ўз мустақиллигимизни ҳимоя қилишга қодир бўлиш, жаҳон миқёсида ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш — **бундай улуғвор вазифалар бугунги кунда, ҳеч шубҳасиз, барчамизга яхши аёндир.**

Албатта, бундай олий мақсадларга эришиш барчамиздан оғир ва машаққатли меҳнатни, катта синовлардан ўтиш, бошлаган йўлимизни давом эттиришни, фидойиликни, бир ёқадан бош чиқариб, бирдамлик билан ҳаракат қилишни, курашишни талаб этади.

Яна бир фикрни чуқур англаб олишни истардим. Биз кўзлаган юксак марраларга эришишнинг энг катта, энг муҳим шарти ва омили — бу авваламбор ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом, ҳеч кимдан кам бўлмасдан, бошини баланд кўтариб яшайдиган, Ватанимизнинг тақдири ва истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган баркамол авлодимиз, мана шу муҳташам стадионда тўпланган сизлар каби минг-минглаб ёшларимиз, ўз фарзандларимиздир.

Биз орзу қилган, биз интилаётган буюк келажагимизни қуришда, барпо этишда биз сиз, азизларни энг катта ишончимиз, энг катта таянчимиз, деб биламиз.

Ҳеч шубҳасиз айтиш мумкин — бугунги кунда она юртимизда дунёдаги бошқа мамлакатларнинг ҳавасини тортаётган замонавий таълим ва тарбия тизими, ўқув масканлари барпо этилган. Болаларимиз тўққиз йиллик умумтаълим мактабларини битириб, қишлоқ ва шаҳарларимизда янгитдан қурилган 1500 дан зиёд энг замонавий лицей ва коллежларда 3 йил давомида таҳсил олади. Бу ўқув юртлари энг илғор илм-фан ва тараққиёт сирларини ўзлаштиришга, 2-3 та касб-ҳунарни, хорижий тилларни, Интернет ва ахборот-коммуникация технологияларини пухта эгаллашга имкон яратади ва бугунги замон талабига жавоб берадиган етук мутахассисларни тайёрлайди.

Энг муҳими, йигит ва қизларимиз ана шу лицей ва коллежларни битириб, ўз она юртига, ўз Ватанига садоқатли бўлиш мактабини ўтайди, ҳаётга онгли қадам қўйишга, жамиятда ўзига муносиб ўрин топишга тайёр бўлади.

Менинг ишончим комил — ҳам билим, ҳам касб-ҳунар берадиган бундай ўқув юрти, билим ўчоғини битириб чиққан сиз азиз болаларимизнинг ҳар бири, мана, мен ҳеч кимдан кам бўлмай, озод Ватанда вояга етдим, энди менинг келажагим ўз қўлимда, ота-онам, эл-юртимнинг ишончини оқлайман, деган фикр билан яшаши муқаррар. Бундай авлоднинг қадди ҳам, қадри ҳам баланд, эртанги куни албатта ёруғ бўлади.

Ҳурматли мусобақа иштирокчилари!

Бугунги кунда униб-ўсиб келаётган, баркамол авлод бўлиб вояга етаётган ёшларимизнинг барчаси ўз ҳаёти, ўз келажагини спортсиз тасаввур этолмайди, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Сизларнинг билим ва касб-ҳунар чўққиларини эгаллаш билан бирга, спортга меҳр қўйиб, халқаро олимпиада ўйинларининг барча белги-аломатларини ўзида мужассам этган ушбу «кичик Олимпиада»нинг финал босқичига етиб келиш учун қандай тинимсиз машқ қилганингиз, ирода ва маҳорат кўрсатиб, қандай синов ва қийинчиликларни енгиб ўтганингизни мен ўзимга яхши тасаввур қиламан. Сизларнинг мана шундай марраларни қўлга киритганингизнинг ўзи, ҳеч шубҳасиз, катта ғалаба.

Агар 2011 йилда бўлиб ўтган «Баркамол авлод» мусобақаларининг саралаш босқичида 700 мингдан ортиқ ўқувчи иштирок этган бўлса, 2014 йилда бу рақам 810 минг нафарни ташкил этаётгани ҳам, мазкур беллашувларнинг қамрови кенгайиб, кураш майдонларидаги баҳслар нақадар қизғин ва муросасиз кечганидан далолат беради.

Барчамиз яхши биламизки, ҳаётдаги ҳар қандай ютуқ, айниқса, спорт оламидаги ғалаба ўз-ўзидан келмайди. Спорт майдонларида эришиладиган ютуқ — бу аввало бутун борлиғини сафарбар этиб, ўз олдига қўйган мақсад йўлида ўзини енгиб, ўзини аямасдан, курашиб яшайдиган инсоннинг ютуғи, ана шу инсонни тарбиялаб вояга етказган таълим-тарбия масканининг, бутун жамиятимизнинг ютуғидир.

Ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкин: катта спортга интилган, бу йўлда эндигина ўзининг илк қадамини қўяётган ҳар қайси ёш спортчимиз бугун жаҳон майдонларида Ватанимиз байроғини баланд кўтариб келаётган, номлари бутун Ўзбекистонда машҳур бўлган ўнлаб-юзлаб спортчилардан ўрнак ва ибрат олади.

Шулар қаторида бокс бўйича жаҳон чемпиони Бектемир Меликўзиев, стол тенниси бўйича халқаро турнир ғолиби Тоҳир Салимов, дзюдо бўйича жаҳон чемпионатининг кумуш медали совриндори Сарвар Шомуродов, шахмат бўйича жаҳон чемпионати совриндори Моҳинур Қаҳрамонова, бокс, теннис, оғир атлетика, стол тенниси бўйича халқаро турнирлар ғолиблари Суннатилла Баҳодиров, Хумоюн Султонов, Отахон Имомов ҳамда Саидахон Казакова, юнон-рум кураши, таэквондо ва дзюдо бўйича Осиё чемпионати совриндорлари Қамариддин Зайниддинов, Темур Ҳакимов, Ғафур Актамов сингари истеъдодли ёшларимизнинг номларини бугун ҳурмат билан тилга оламиз.

Азиз ва суюкли фарзандларим!

Барчангизнинг ҳаётингизда ёрқин саҳифа бўлиб қоладиган, қизғин ва ҳалол курашлар руҳида, ўзаро ҳурмат, бағрикенглик муҳитида ўтадиган мусобақаларда сизларга муваффақият тилар эканман, бир фикрни такрор ва такрор айтмоқчиман.

Биз ўз олдимизга қўйган буюк марраларни эгаллаш йўлида кундалик ҳаётимизда амалга ошираётган, бутун дунё тан олаётган режа ва дастурларимиз, ўсиш суръатларимиз, кундан-кунга қиёфаси ўзгариб, куч-қудратга тўлиб бораётган гўзал ва бетакрор она юртимиз, энг муҳими, ривожланган мамлакатлардаги тенгдошлари билан тиллашув ва беллашувга тайёр бўлиб, тобора ҳал қилувчи куч даражасига кўтарилаётган сиз, азиз ёшларимиз, фарзандларимиз билан биз кўзлаган мақсадларимизга албатта эришамиз. Бунга ҳеч қандай шубҳа бўлмаслиги керак.

Менинг тилагим, даъватим шуки, Ватанимизнинг, олижаноб халқимизнинг ана шундай меҳри ва ишончига доимо муносиб бўлинг, марраларни ҳамиша баланд олиб, билимга, изланиш ва ўрганишга интилиб яшанг, ҳеч қачон бўш келманг, азиз болаларим!

Фурсатдан фойдаланиб, «Баркамол авлод» ўйинларини юксак савияда ўтказиш учун замонавий спорт мажмуалари ва ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этган моҳир қурувчиларга, меъмор ва муҳандисларга, ана шундай эзгу ишларга катта ҳисса қўшган мутасадди ва ҳомий ташкилотларга, бутун Наманган аҳлига ўз номимдан, халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдираман.

Сизларни бугунги спорт байрами билан яна бир бор табриклаб, барчангизга келгуси ҳаётингизда янги-янги муваффақиятлар тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Жаҳон бизга ҳавас қилмоқда

— дейди Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси Шоҳиста РАШИДОВА

Мен бугун нафақат Ўзбекистон, балки жаҳондаги энг бахтли ёшларданман, десам муболаға бўлмас. Куни кеча она шаҳрим Наманган Ўзбекистон ҳаётидаги улкан воқеа — ёшлик, камолот ва спорт байрами — «Баркамол авлод» ўйинларига мезбонлик қила бошлади.

Мазкур тантананинг очилиш маросимида эса ҳамюртим белбоғли кураш бўйича уч карра жаҳон чемпиони Рустам Умаров билан биргаликда Тошкент вилоятининг Паркент туманида жойлашган «Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Материалшунослик институтининг қуёш ўчоғидан аланга олдирилган «Баркамол авлод — 2014» спорт ўйинларининг машъаласини ёқишдек бахтга сазовор бўлдик.

(Давоми 6-саҳифада).

2014 йил — Соғлом бола йили

Мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, уларни истиқлол ғоялари ҳамда она-Ватанга садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш масаласига катта эътибор қаратилиб, бу борада кенг кўламли ишлар рўёбга чиқарилмоқда. Хусусан, болаларни ёзги дам олдириш ва соғломлаштириш йўналишида янгича ёндашув жорий этилган бўлиб, айни чоғда мавсумга тайёргарлик ишлари якунига етказилмоқда. Мухбиримиз шулар хусусида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Т. НАРБАЕВА билан суҳбатлашди.

ЁЗГИ ОРОМГОҲЛАР

ўқувчиларнинг таътилни мазмунли ўтказишларида муҳим ўрин тутади

— Юртимизда баркамол авлодни вояга етказиш, уларни ҳам маънан, ҳам жисмонан етук қилиб тарбиялашга катта эътибор каратилмоқда, — дейди Танзила Камоловна. — Нафақат шаҳарлар, балки олис қишлоқларда барпо этилган қулай ва замонавий мактаб, коллеж ва лицейлар, муҳташам спорт мажмуалари бугун кимнинг ҳавасини келтирмайди, дейсиз?!. Шунга мос равишда болажонларнинг ёзги таътилда мароқли ҳордиқ чиқариши баробарида, билимини янада мустаҳкамлаб олишлари учун шарт-шароитлар яратилмоқда. Болалар дам олишини ташкил этиш бўйича республика Мувофиқлаштирувчи гуруҳи тузилгани ва пировардида минглаб ўғил-қизларимизнинг ҳар ёзги мавсумда сифатли ҳордиқ чиқариб, соғлиғини мустаҳкамлаб қайтаётганликлари бунинг ёрқин далилидир.

(Давоми 6-саҳифада).

«Ёзги таътил — 2014»

Барча шароит муҳайё

Тошкент шаҳар ҳокимияти ва шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳамкорлигида болаларни соғломлаштириш оромгоҳларида мазмунли дам олдиришни ташкил этиш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

«Ўзавтосаноат» АК тасарруфидаги «Сокол» болалар соғломлаштириш оромгоҳида Республика Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш юзасидан тизимли назорат ва мониторингни таъминлаш бўйича Мувофиқлаштирувчи гуруҳнинг кенгайтирилган мажлиси баёнида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида семинар ўтказилди.

Маълум қилинишича, жорий йил ёз мавсумида Тошкент шаҳрида умумтаълим мактаблари қошидаги 36 та кундузги ва 23 та стационар, жами 59 та болалар соғломлаштириш оромгоҳи фаолият кўрсатади. Уларда 42 мингдан зиёд болалар, жумладан, Оролбўйи меҳнаткашларининг икки мингга яқин фарзандларини соғломлаштириш режалаштирилган.

Шаҳар корхона ва ташкилотларининг Тошкент вилояти ҳудудида жойлашган оромгоҳлар болаларнинг ёшини эътиборга олган ҳолда тарбиявий ишлар мазмунидан келиб чиқиб, интеллектуал ривожланиш, меҳнат ва дам олиш, ҳарбий-спорт, экологик-биологик, ўлкашуносликка ихтисослашган йўналишларда фаолият кўрсатиши мўлжалланмоқда.

Семинар-кенгаш тасарруфида болалар соғломлаштириш оромгоҳлари бўлган корхона касаба уюшма қўмиталари раислари, оромгоҳлар бошлиқлари, бош бухгалтерлари, катта тарбиячилари ва етакчилари ҳамда «Маънавият ва маърифат» хоналари раҳбарларига ёш авлодни дам олдириш, соғлиғини мустаҳкамлаш, маданий-маърифий ишларни уюшқоқлик билан олиб бориш, оромгоҳлар фаолиятини ташкиллаштириш ва бошқа масалалар бўйича амалий-услубий ёрдам берилди.

(Давоми 3-саҳифада).

Намунали бошланғич ташкилотларда

«Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг республика босқичида иштирок этган ва фаолияти намунали йўлга қўйилган бошланғич ташкилотларнинг ишларини оммалаштириш, касаба уюшмалари олдида турган вазифалар ва истиқболли режаларни белгилаш ҳамда ўзаро тажриба алмашишни ташкил этиш мақсадида Сирдарё вилоятида етакчилар иштирокида ўқув-семинар ташкил этилди. Семинар иштирокчилари икки гуруҳга бўлинган ҳолда Гулистон шаҳридаги «Сирдарёавтотеххизмат» МЧЖ, Гулистон шаҳар 1-академик лицей ва вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошланғич ташкилотлари фаолияти билан танишишди.

Фойдали мулоқотлар

Асосий фаолияти енгил автомашиналар ва қишлоқ хўжалиги техникаларига сервис хизмати кўрсатиш ҳамда автомашина савдосидан иборат бўлган «Сирдарёавтотеххизмат» МЧЖда 80 дан ортиқ ишчи-ходим меҳнат қилади. Дастлаб, 1974 йилда маиший хизмат кўрсатиш уюшмаси тизимида ташкил этилган ва 20 киши меҳнат қилган бу ташкилот бугунги кунда такомиллашиб, хизмат кўрсатиш турлари ва ишловчилар сони янада ортди.

— Ташкилотимизда ишлаётганларнинг 10 фоиздан ортиғини аёллар, 20 фоиздан зиёдини 30 ёшгача бўлганлар ташкил этади, — дейди касабақўм етакчиси Шавкат Маҳкамов. — Кейинги 2 йил давомида янги иш ўринлари ташкил этиш ҳисобига аъзолар сони 10 нафарга ортганлигини ҳам алоҳида таъкидлашни истардим.

Ҳар йили Гулистон туманидаги Бешбулоқ маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи ўқувчиларидан 50 нафари амалиётга қабул қилиниб, уларга 28 нафар муҳандис уста иш жараёнида бош-қош бўлади. Ишлаш хоҳишини билдирган иқтидорли битирувчилар эса жамоага қабул қилинади.

Ходимларга қулайлик яратиш мақсадида иш берувчи ва касаба уюшма қўмитаси келишган ҳолда иш олиб бораётир. Ошхона, меҳнат хавфсизлиги ўқув хоналари мавжуд.

Маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси ўртасида 2012-2014 йилларга мўлжаллаб тузилган жамоа шартномасида ишчи-ходимларнинг манфаатлари тўла қамраб олинган. Унда меҳнатга ҳақ тўлаш, иш вақти ва дам олиш, меҳнат муҳофазаси, ижтимоий кафолатлар, хотин-қизлар ва ёшларга оид имтиёзлар акс этган.

Айтиш жоизки, турли маданий-маърифий тадбирлар, айниқса, ойда бир марта Маънавият соатлари ташкил этилиб, мамлакатимизда кечаётган иқтисодий ислоҳотлар, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан ходимлар таништириб борилмоқда.

Семинар иштирокчилари яқинда кенгайтириб, янгича қиёфа касб этган автосалонни ҳам томоша қилишди. Юртимизда ишлаб чиқарилган автомобилларни кўриб, кўнгилларда фахр уйғонди.

Касаба уюшма ташкилоти раиси сайланганига кўп вақт бўлмаган эса-да, тажрибали етакчилар: «Иши ёзувига, ёзуви ишига тўғри», дея баҳо беришди.

(Давоми 2-саҳифада).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таклифига биноан мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Латвия Республикаси Президенти Андрис Берзиньш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Улуғбек Розуқулов ҳамроҳлигида 29 май куни Самарқанд шаҳрига ташриф буюрди.

Андрис БЕРЗИНЬШ:

Ўзбекистонга ташрифим ғоят самарали бўлди

Олий мартабали меҳмон қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрининг диққатга сазовор жойлари билан танишувни Мирзо Улуғбек расадхонасидан бошлади. Мазкур расадхона аждодларимизнинг буюк даҳоси, юртимиз илм-фанининг чуқур илдизлари ва тараққиётидан далолат беради. Андрис Берзиньш Мирзо Улуғбекнинг ҳаёти ва илмий мероси билан таништирилди.

Латвия Президенти Амир Темур ва Хўжа Дониёр мақбараларини бориб кўрди. Олий мартабали меҳмонга ушбу обидаларнинг тарихи, Мовароуннаҳрда қадимий шаҳарсозлик, илм-фан ва ҳунармандлик ривожи ҳақида маълумот берилди.

Андрис Берзиньш Шарқ меъморчилигининг ноёб обидалари бўлган Регистон мажмуи ва Бибихоним масжидини катта қизиқиш билан томоша қилди. Бу муҳташам обидалар ўзбек халқининг бунёдкорлик салоҳияти, илм-фан ва маданият ривожига эътиборининг ёрқин намунаси эканини таъкидлади. Латвия раҳбари Регистон мажмуида ташкил этилган латвиялик рассом Валдис Бушс кўргазмасини кўздан кечирди.

Дунёда буюк аждодларимизнинг сўнмас даҳосига ҳурмат-эҳтиром, уларнинг бой илмий меросини ўрганишга қизиқиш ҳамиша юқори бўлган. Бунинг тасдиғини турли мамлакатларда уларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида илмий ва бадиий асарлар яратилгани, улуғ аждодларимиз фаровонлиги рамзи бўлган сархил ноз-неъматларни, сотувчи ва харидорлар учун яратилган шарт-шароитларни кўздан кечирди.

Самарқанд шаҳар ҳокимлиги билан Юрмала шаҳар думаси ўртасида ҳамкорликка оид битим имзоланди.

Латвия Президенти сафар якунида Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари вакилларига интервю берди.

— Ўзбекистон Республикасига ташрифим ҳар томонлама самарали бўлди, — деди Андрис Берзиньш. — Делегациямиз аъзолари ўзбекистонлик шериклари билан аниқ масалаларни муҳокама қилиб, ўзаро фойдали келишувларга эришди. Бу келишувлар ва имзоланган ҳужжатлар мамлакатларимиз ҳамкорлигини янада ривожлантириш, ўзаро алоқаларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш имконини беради. Хусусан, Юрмала билан Самарқанд ўртасида имзоланган ҳужжат нафақат бу икки шаҳар, балки мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни турли соҳаларда ривожлантиришга хизмат қилади.

Олий мартабали меҳмон Шарқ гавҳари Самарқанд шаҳрини яна бир бор кўриш бахтига муяссар бўлганидан мамнунлигини билдирди. Самарқанднинг тарихий обидалари ўзбек халқининг бой маданий ўтмиши, мумтоз меъморлик санъатининг юксак намунаси эканини эътироф этиб, истиқлол йилларида шаҳарда амалга оширилган бетимсол бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларидан ҳайратга тушганини таъкидлади.

Шу билан Латвия Республикаси Президенти Андрис Берзиньшнинг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи якунига етди.

Нодира МАНЗУРОВА,
Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎзА махсус мухбирлари

Ishonch
2014-yil 31-may № 66-67 (3416)

Фойдали мулоқотлар

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Иккинчи учрашув

Гулистон шаҳридаги 1-академик лицейи ўқув кўрсаткичларига кўра вилоятда юқори ўринда туради. Ўқувчи ва ўқитувчилар жамоат тадбирларида ҳамиша фаол. Битирувчиларнинг аксарияти мамлакатимизнинг нуфузли таълим даргоҳларига қабул қилинади. Бу йил 1-босқич ўқувчиси Дилбар Холжигитова Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди.

135 нафар ходим меҳнат қилаётган жамоада ҳаёт қайнайди.Табиийки, бошланғич касаба уюшмасининг юмушлари ҳам шунга яраша. Жорий йил май ойида шаҳар миқёсида ўтказилган «Саломатлик» спартакиадасида 14 нафар ходим спорт турлари бўйича фаол иштирок этиб, умумжамоа ҳисобида 3-ўринни эгаллади. Шунингдек, 25 нафар ходим Зомин тоғларига саёҳатга юборилди.

Аъзолар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида касаба уюшмаси қўмитаси томонидан 12 нафар ходимга моддий ёрдам берилди. 8 нафар ходим касаба уюшмаларидаги фаоллиги учун туман кенгаши томонидан рағбатлантирилди. 55 ёшга тўлган яна 1 нафар ходим мукофотланди.

Ўтган йили жамоа «Меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этиш бўйича энг яхши корхона» республика кўрик-танловининг Сирдарё вилоят босқичи ғолиби бўлди.

— Тизимга берилаётган эътибор бизни янада фаол бўлишга ундайди, — дейди касаба уюшма қўмитаси раиси Абдужаббор Тошматов. — Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг 2014 йил учун белгилаб берган устувор йўналишларини ўрганиб чиқиб, шунга амин бўлдимки, ташкилотимизнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини мустаҳкамлаш ҳар биримизга боғлиқ экан. «Бошланғич ташкилот — касаба уюшмасининг асоси» лойиҳасини амалга оширишда барчани фаол иштирок этишга чақираман.

Жамоа шартномаси афзалликлари

Сирдарё вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси касаба уюшма қўмитаси раҳбарият билан ҳамкорликда ходимларга қулай меҳнат шароити яратиб бериш мақсадида самарали иш олиб бормоқда.

Бошқармада 61 нафар ходим касаба уюшмасига аъзо. Шундан 9 нафарини аёллар, 20 нафарини 30 ёшгача бўлган ходимлар ва 2 нафарини нафақадагилар ташкил этади.

Касаба уюшма қўмитаси хонаси ва бошланғич ташкилот бурчаги мавжуд бўлиб, бу ерда жамоат ташкилоти фаолиятига оид ҳужжатлар, қўлланмалар, фотостендлар билан танишишингиз мумкин. Тиббиёт пункти, кутубхона ва ётоқхоналар керакли жиҳозлар билан тўлиқ таъминланган.

Ходимлар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида бошқарма ҳудудида футбол майдони барпо этилди. Шунингдек, ходимларнинг «Алпомиш», «Динамо» спорт мажмуаларида шуғулланиши учун имконият яратилган.

Спортдаги фаоллик ўз натижаларини бермоқда. Яқинда Фавқулодда вазиятлар куни муносабати билан пойтахтимизда ташкил этилган мини футбол мусобақасида жамоа 3-ўринни қўлга киритди.

Ходимлар саломатлигини муҳофазалаш алоҳида эътиборда. Ўтган йили «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди ва соғлиқни сақлаш бошқармаси билан ҳамкорликда бошқарма ходимларидан 5 нафари вилоят диагностика марказида чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилган бўлса, бу йил барча ходимлар учун навбатдан ташқари профилактик тиббий кўрик ташкил этилди.

Ходимлар маънавиятини юксалтириш, маданий тадбирлар ташкил этиш борасидаги ишлар ҳам кўнгилдагидек.

Бошқарма касаба уюшма қўмитаси ўтган йили вилоятда ўтказилган «Меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этиш бўйича энг яхши корхона» кўрик-танловида 2-ўринни эгаллаб, «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг республика босқичида муваффақиятли қатнашди.

— Тажриба алмашуви янги режалар тузишимизга кўмак берди, — дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Боёвут туман кенгаши раиси Барно Холмуҳамедова.

* * *

Шу куни ўқув-семинарда иштирокчилари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишни ташкил этишда бошланғич ташкилотларнинг вазифалари, меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, меҳнаткашларга хавфсиз иш шароитлари яратиш, маданий-маърифий ва спорт тадбирларини уюштириш ва туризмни ривожлантириш, молиявий масалаларда амалдаги меъёрий ҳужжатларга риоя этишга доир маърузалар тингланди.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«Ishonch» мухбири

Янгича ёндашув

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ташаббуси билан Жомбой туманидаги қуйи ташкилотлар фаолияти намунали тарзда ташкил этилди. Ўтган фурсатда бу ерда вилоятдаги барча тармоқ касаба уюшмалари туман ва шаҳар кенгашлари тизимига кирувчи бошланғич ташкилотлар етакчилари иштирокида 20 марта ўқув-семинарлари ўтказилди. Вилоятимизнинг барча туманларида биттадан ишлаб чиқариш корхоналарида фаолият юритаётган бошланғич касаба уюшма ташкилотлари иш услублари намунали йўлга қўйилишига эришилди.

Амалий-услубий ёрдам

Айни пайтда Федерация Кенгашининг «Туман кенгашлари, бошланғич ташкилотларнинг Устав бўйича фаолиятини намунали тарзда олиб боришни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори асосида ишлаб чиқилган чора-тадбирлар ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Барча қуйи ташкилотлар шу йўналишдаги услубий қўлланмалар, рисола ва буклетлар билан тўлиқ таъминланган. Ўтган йили бирлашма кенгаши режасига мувофиқ мингга яқин бошланғич ташкилотларга амалий ёрдам кўрсатилди. Жорий йилнинг биринчи чораги мобайнида 520 дан зиёд бошланғич касаба уюшма ташкилотлари фаолиятини жонлантиришга кўмаклашилди.

Меҳнат муносабатларини қонунлар доирасида ташкил этиш, ходимлар ижтимоий ҳимоясини таъминлашга эришиш етакчидан чуқур билим ва малака талаб этади. Шу боис, уларнинг ҳуқуқий билимини оширишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Бирлашма кенгаши томонидан ишлаб чиқилган дастур асосида қуйи бўғин етакчиларини жалб қилган ҳолда 16 марта ўқув-семинар ташкил этилиб, 3000 нафардан зиёд бошланғич ташкилот раислари ўқитилди. Барча шаҳар ва туманларда «Меҳнат соҳасидаги муҳим аҳамиятга молик масалалар» мавзусида давра суҳбатлари уюштирилиб, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, меҳнат ҳуқуқлари таъминланиши, муносиб иш шароитлари яратилишига замин яратилди.

Ўтган йили 414 та ташкилотга асос солинган бўлса, жорий йилнинг биринчи чорагида 300 га яқин корхоналарда янги ташкилотлар тузилиб, у ерда меҳнат қилаётганлар аъзоликка қабул қилинди.

Самарқанд банк коллежида уюштирилган бошланғич ташкилотлар ишини оммалаштиришга оид амалий ўқув-семинар етакчилар учун муҳим аҳамият касб этди. Иштирокчилар Самарқанд банк коллежи, «DAKA-TEX» хорижий корхонаси бошланғич касаба уюшма ташкилотлари фаолияти билан яқиндан танишдилар. ЎзКУФК вакили, бирлашма кенгаши мутахассислари томонидан қуйи ташкилотлар етакчиларига жамоат ташкилоти фаолият йўналишининг 11 та асосий бўғини хусусида батафсил тушунчалар берилди.

— Ўқув-семинардан сўнг, фаолиятимизда айрим камчиликлар борлигини ҳис этдим, — дейди Иштихон тумани Бахрин қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи касаба уюшма қўмитаси раиси Саидазим Икматов. — Бошланғич ташкилотлар фаолиятининг кучайтирилиши ходимларни ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялашнинг яхшиланишига хизмат қилади. Амалий-услубий кўмак боис ўз ваколат ва бурчларимизни чуқуррок тушуниб олдик. Энди ишни янгича ташкил этишга бизда тўлиқ асос бор.

Райҳона АБДУЛЛАЕВА,
Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири

Етакчи минбари

Ҳаммаси ўзимизга боғлиқ

Яқинда бир қишлоқ фуқаролар йиғинининг тадбирида қатнашдим. Гап инсон саломатлиги ҳақида борарди. Тиббиёт ва спорт соҳаси мутахассислари фикр-мулоҳазаларини билдириб, маслаҳатларини бердилар. ҚФЙ раиси ҳам сўз олиб, кейинги йилларда касаба уюшма ташкилотларининг фаоллиги ошиб бораётганини эътироф этган ҳолда миннатдорлик билдириб ўтди.

— Шукур, турмушимиз йил сайин фаровонлашиб, хонадонларда шахсий автомобиллар кўпаймоқда, — деди раис фикрини давом эттириб. — Айрим хонадонлар 2-3 тадан автотранспортга эга. Аммо одамлар баъзилар енгил-елпи ҳузур-ҳаловатга мойил бўлиб турган бир паллада касаба уюшма ташкилотлари тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтираётгани, «Касаба-тур» доирасида веломарафон мусобақалари ташкил этаётгани айни муддао бўлди. Инсон саломатлигини мустаҳкамлаш, атмосфера, атроф-муҳит тозалиги учун муҳим аҳамият касб этадиган мазкур арзон ва қулай транспорт воситасидан фойдаланувчилар сафи тобора кенгайиб бораётганидан хурсандмиз.

Бу — биргина жиҳат. Шунингдек, ишчи-ходимларга қулай меҳнат шароитини яратиш, оналик ва болаликни муҳофазалаш, ёшлар тарбияси, фахрийларга ғамхўрлик, кўп болали, кам таъминланган оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ишсизликнинг олдини олиш, тадбиркорликни ривожлантириш каби муҳим жиҳатларга кўмаклашишга муносиб ҳисса қўшаётган касаба уюшмалари ҳақида илиқ фикрлар эшитсам, шу соҳада фаолият кўрсатаётганимдан фахрланиб кетаман. Эътиборлиси, кейинги пайтларда корхона, ташкилот, муассасаларда тез-тез бўлиб, касаба уюшма аъзолигининг афзалликлари тўғрисида тарғибот-ташвиқот ишлари доирасини кенгайтираётганимиз, жамоа шартномаларида меҳнат аҳлига ғамхўрлик ва имтиёзлар ортгани ўзининг ижобий самарасини беряпти. Ходимларнинг қизиқиши, ишончи кучаймоқда. Нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлигимиз тобора мустаҳкамланаётир. Ўтказаётган тадбирларимиз мазмун-моҳияти чуқурлашиб, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, фаровонликни таъминлашга хизмат қилмоқда. Жумладан, «Сарипул», «Вобкент Трюпен текстил», «Вобкент Марказий бозор» масъулияти чекланган жамиятларида, бир қатор хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектларида ўтказилган суҳбатлар, тушунтириш ишлари ходимларда яхши таассурот қолдирди. Жорий йилнинг бошида туманимизда тармоғимизга алоқадор корхона, ташкилот, муассаса ва тадбиркорлик субъектлари сони 77 тани, касаба уюшма аъзолари 810 нафарни ташкил этарди. Биз сафимизни кенгайтириш учун режали иш олиб бордик. Натижалар чакки бўлмаяпти. 2014 йилнинг ўтган даврида яна 12 та меҳнат жамоасида касаба уюшма ташкилоти тузилиб, 72 нафар ходимни аъзоликка қабул қилдик. Кўриниб турибдики, фаолиятимизни яхшилаш ўзимизга боғлиқ. Ҳаракатларимизни сусайтирмаган ҳолда ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлайверамиз.

Хусенжон ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Ўзбекистон истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ходимлари касаба уюшмаси Вобкент тумани кенгаши раиси

Танлов

Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги Ҳасанбой қишлоқ фуқаролар йиғинида жойлашган 2-шифохонада «Ўз касбининг моҳир эгалари» кўрик-танловининг 1-босқичи ўтказилди.

Навбат кейинги босқичга

— Ушбу босқичда 300 нафарга яқин иштирокчи орасидан 10 нафари танлаб олинди. Энди улар вилоят, сўнгра республика босқичида иштирок этишади, — деди Зангиота туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси Жўрабек Исломбеков. — Танловнинг аҳамиятли жиҳати, барча жабҳада фаоллик кўрсатган ходимларни жамоанинг ўзи таклиф этади.

— Тиббиёт соҳасида меҳнат қилаётганимга ўн етти йилдан ошди. Шу давр мобайнида қанчадан-қанча беморлар дардига малҳам улашдик. Бу касбни танлаганимдан афсусланмайман. Аксинча, яратиб берилаётган имкониятлар бизни янада шижоат билан ишлашга ундайди, — дейди Эркин қишлоқ врачлик пунктининг умумий амалиёт шифокори, танловнинг туман босқичи ғолибаси Шоҳида Жумабоева. — Насиб этса, кейинги босқичларда ҳам фаоллик кўрсатиб, туманимиз обрўсини ҳимоя қиламиз.

Ўз мухбиримиз

Иқтидор намойиши

Юртимизда ёшларга ўз иқтидорини намойиш қилиши учун барча имкониятлар яратиб бериляпти. Тошкент вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан ўтказилган «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танловининг вилоят босқичида бунга яна бир бор амин бўлдик.

— Президентимизнинг жорий йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори бизни ушбу масалага янада чуқурроқ ёндашишга даъват этмоқда, — дейди бирлашма бўлим мудири Руслан Раҳмонов. — Танлов иштирокчиларининг фаолиятини баҳолаш мезони тегишли вазирлик ва идоралар билан қабул қилинган қўшма қарорлар асосида ишлаб чиқилган бўлиб, вилоят босқичида ёшлар 9 та йўналиш бўйича баҳслашишяпти.

Таъкидлаш жоизки, баҳслар ниҳоятда қизиқарли кечди. Ўртачирчиқ туман тиббиёт бирлашмаси вакили Ҳилола Махматова «Энг фаол ёш шифокор», янгийўллик Дилором Тошпўлатова «Энг фаол ёш ўқитувчи», Оҳангарон туманидан Дилафрўз Каримова «Энг фаол ёш тарбиячи», Қибрай тумани вакилларидан Дилшод Миробидов «Энг фаол ёш фермер», Темур Хўжаев «Энг фаол ёш энергетик», Феруза Бобожонова «Энг фаол ёш олим», Олмалиқ шаҳридан Сардор Холбоев «Энг фаол ёш коммунал соҳа мутахассиси» деб топилди. Шунингдек, Гулбаҳор Руҳиддинова «Энг фаол ёш тадбиркор», Шавкат Юсупов «Энг фаол ёш ҳунарманд» номинациялари ғолиби бўлишди.

Ғолиблар республика босқичига йўлланмани қўлга киритишди.

Р.НЕЪМАТОВ

Фестивал

Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли маданият муассасаларининг ижодий жамоалари ўртасида «Қизилқум санъат ғунчалари — 2014» фестивали бўлиб ўтди. «Фарҳод» маданият саройида ташкил этилган ушбу фестивалда Навоий, Самарқанд, Бухоро вилоятларидаги 8 та муассасадан 450 нафардан ортиқ ёш санъаткорлар қатнашди.

ҒУНЧАЛАР БАРҚ УРАВЕРСИН

Иштирокчилар дастлаб шаҳар марказий хиёбонидаги Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйишди. Шундан сўнг Зафарободнинг «Юност», Зармитаннинг «Кончи», Нуробод шаҳрининг «Горняк», Учқудуқнинг «Современник», Зарафшон шаҳрининг «Золатая долина», Навоий шаҳрининг «Фарҳод», «Дўстлик» агрофермасининг «Наврўз» ҳамда Кетмончи конининг «Шодлик» клублари иштирокида «Катталар — болалар учун» дея номланган катта концерт дастури намойиш этилди.

— Мазкур фестивал ҳар йили юзлаб санъатга ошуфта қалбларни кашф этаётир, — деди Навоий кон-металлургия комбинати давлат корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси Исроил Раҳматов. — Ижод оламида бамисоли ғунчадек юз очиб келаётган интилувчан ёшларимизга омадлар тилайман.

Ғолиб ҳамда совриндорлар эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Мансур АЛОВУДДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

Ўқув-семинар

Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан бошланғич ташкилотлар фаолиятини намунали ташкил этишга бағишланган ўқув-семинар ўтказилди. Унда вилоятдаги барча шаҳар, туман касаба уюшма кенгашлари, бир қатор бошланғич касаба уюшма қўмиталари раислари, масъул ташкилотчилар, бирлашма ходимлари, ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

Бирни кўриб фикр қил...

Анъанага кўра, иштирокчилар семинар олдидан икки гуруҳга бўлинган ҳолда вилоятда фаолияти намунали йўлга қўйилган бошланғич ташкилотга ташриф буюрдилар. Жумладан, «Урганч бахмал» масъулияти чекланган жамиятида ишчи-хизматчиларга яратилган муносиб иш ва дам олиш шароитлари билан танишилди. Корхонада бепул иссиқ овқат, қатиқ берилиши йўлга қўйилган. Узоқдан қатновчилар учун транспорт ташкил қилинган. Ҳар бир ишчига ойлик иш ҳақига нисбатан 50 фоиздан 100 фоизгача устама тўланмоқда. Байрам ва дам олиш кунлари ишлагани учун иш ҳақи икки баробар этиб белгиланган. Корхонада тиббиёт пункти фаолият кўрсатиб, ишчи-хизматчилар саломатлиги самарали муҳофаза қилиб келинаётир. Барча ишчилар махсус кийим-бош ҳамда шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланган.

— Жамиятда 450 нафар ходим фаолият кўрсатади. Улардан 198 нафари хотин-қизлардир. Маъмурий бино қошида 32 ўринли ётоқхона ва дам олиш хоналари мавжуд. 200 квадрат метр ер майдонига эга иссиқхонада етиштирилган маҳсулотлардан ходимлар доимий равишда баҳраманд бўлишади. 2014 йил январ ойида корхона қошида «RED FLOVER» МЧЖ ташкил қилиниб, 44 киши иш билан таъминланди. Улар касаба уюшма аъзолигига қабул қилиниб, манфаатлари ҳимояланди, — дейди корхона касаба уюшма қўмитаси раиси С. Искандарова.

Бошланғич ташкилот фаолияти низом талаблари асосида йўлга қўйилганлиги, ҳужжатларнинг тўлиқ ва тўғри юритилиши, корхона деворларида касаба уюшмалари фаолияти, мақсад ва вазифаларини акс эттирувчи бир қатор кўргазма воситалари мавжудлиги, касабақўм хонаси талаб даражасида жиҳозланганлиги иштирокчилар томонидан эътироф этилди. Ушбу касаба уюшма ташкилоти ҳам «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг республика босқичида муваффақиятли иштирок этган эди.

Хива туманидаги 97-мактаб-интернат касаба уюшма қўмитаси фаолияти билан танишув иштирокчиларда янада катта таассурот қолдирди.

— Муассасамизда 117 нафар касаба уюшма аъзоси меҳнат қилади, — дейди бошланғич ташкилот раиси Нигора Полвонова. — Улар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида иш берувчи билан 2014-2016 йилларга мўлжалланган жамоа шартномасини имзоладик. Ижтимоий шериклик тамойиллари асосида ходимлар учун қулай иш ва дам олиш шароитлари яратилган. Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши томонидан фаолиятимизни яхшилаш юзасидан доимий амалий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Бошланғич ташкилот аъзолари тўққизинчи аёллар спартакиадасида фаол иштирок этиб, спортнинг бир неча турлари бўйича ғолибликни қўлга киритдилар. Бошланғич ташкилот қошида ташкил қилинган бадиий ҳаваскорлар дастаси турли тадбирларда, халқ сайлларида фаол иштирок этиб келмоқда. Ўқувчилардан таркиб топган «Жайҳун» рақс гуруҳи «Истиқлол ғунчалари» кўрик-танловида муваффақиятли иштирок этди. Яқинда бир гуруҳ ёш педагоглар Самарқанд шаҳрида саёҳатда бўлиб қайтдилар.

Қаердаки иш берувчи ва касаба уюшмалари ўртасидаги муносабатлар тўғри йўлга қўйилса, аъзолар манфаатдорлиги таъминланиши ушбу мактаб-интернат фаолияти мисолида яна бир карра исботини топишига ишонч ҳосил қилинди.

Фикр-алмашувлардан сўнг, ўқув-семинар қизғин руҳда давом эттирилди. Ўқув-семинарни вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари Камолжон Бекжонов олиб борди.

Тадбирда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ташкилий ишлар бўлими мудири ўринбосари Қувондиқ Муқимов «Бошланғич ташкилотлар фаолияти самарадорлигини оширишнинг устувор вазифалари» тўғрисида маъруза қилди.

Семинарда, шунингдек, вилоят касаба уюшма ташкилотларининг бир гуруҳ мутахассислари ушбу йўналишларда амалга оширилиши керак бўлган вазифалар хусусида тўхталдилар.

Анжуман савол-жавобларга, баҳс-мунозараларга бой бўлди.

Бошланғич ташкилот қошидаги бадиий ҳаваскорлар дастаси аъзолари иштирокидаги концерт дастури тадбирга байрамона руҳ бағишлади.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,
«Ishonch» мухбири

Ishonch
2014-yil 31-may № 66-67 (3416)

1 ИЮН — ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ

Истиқлол ғунчалари

Фарғона шаҳридаги «Кимёгар» маданият саройида «Истиқлол ғунчалари» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди.

Санъат жону дилим

«Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни бажариш ҳамда ўсиб келаётган авлодни Ватанга муҳаббат, миллатлараро дўстлик руҳида тарбиялаш мақсадида уюштирилган тадбирда туман, шаҳар маданият уйлари ҳамда корхона, ташкилотлар тасарруфидаги бадиий ҳаваскорлик жамоалари иштирок этди. Болалар анъанавий ва эстрада қўшиқчилиги, якка ва ансамбл чолғучилик ҳамда якка рақс ва жамоа рақси ижрочилиги йўналишларида ўз дастурлари билан қатнашди.

— Танлов менда катта таассурот қолдирди, — дейди анъанавий ижрочилик йўналиши бўйича 1-ўринни қўлга киритган Қува тумани марказий маданият уйи тарбияланувчиси Лазизбек Жўраев. — Туманимиздаги маданият саройида ташкил қилинган тўгаракда устозлардан қўшиқчилик санъати сирларини ўрганиб келяпман. Дутор, рубоб, пианино каби чолғулар ҳам жону дилим. Маданият саройида ижодкорлик учун барча шароит яратилган. Етарлича мусиқа асбоблари, компютерлар билан таъминланган. Танловнинг республика босқичида ҳам юқори ўринларни қўлга киритишга ҳаракат қиламан.

Ғолиб ва совриндорлар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг диплом ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Комрон САТТОРОВ,
Фарғона вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси етакчи мутахассиси

Барча шароит муҳайё

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

ЎзА сурати

— Барчамизнинг мақсадимиз мавсумни кўнгилдагидек ўтказишдан иборат, — деди Соғлиқни сақлаш ва фармацевтика ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Фарҳод Ханапияев. — Бу борада болаларнинг хавфсизлиги масаласи асосий ўрин тутади. Қолаверса, фарзандларимизни фақатгина дам олдириш эмас, балки ҳам жисмоний, ҳам руҳий томондан соғломлаштириш лозим бўлади. Шунингдек, оромгоҳларда озиқ-овқат сифати назоратига эътиборни қаратиш керак.

— Соғлом бола йилидаги мавсум ҳар қачонгидан-да катта масъулият юклайди, — деди Тошкент шаҳар фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари Хусан Бобонов. — Ҳар бир ишда талабчан ва эътиборли бўлиш тақозо этилади. Болажонларимизнинг мазмунли дам олиши биз учун муҳим. Яқинда Бўстонлиқ, Паркент ва Оҳангарон туманларида жойлашган 22 та оромгоҳда бўлиб, уларнинг мавсумга шайлигини ўрганганимизда «Геолог», «Билдирсой», «Ғунча» ва «Сокол» каби оромгоҳларда бир қатор камчиликлар аниқланди. Бу муаммоларни бартараф этиш Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари назоратида турибди. Ўйлайманки, яқин кунлар ичида камчилик-нуқсонлар барҳам топади.

Семинарда Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Нуршод Гиёсов, ЎзКУФК масъул ходими Дилмурод Мўминов, шаҳар ички ишлар бош бошқармаси вакили Музаффар Бозорбоев, Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси ёнғин хавфсизлиги бўлими ходими Суннатилла Султонов, шунингдек, «Дори-дармон» АЖ, шаҳар маданият ва спорт ишлари бошқармаси, Бўстонлиқ туман санитария ва эпидемиология маркази, шаҳар савдо департаменти ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг шаҳар бўлими вакиллари сўзга чиқиб, мавсумни ҳар йилгидан-да юқори даражада ташкил этиш юзасидан кўрилаётган тайёргарлик ишлари ҳақида сўз юритдилар.

Семинар якунида оромгоҳ раҳбарлари ва масъулларга зарур кўрсатма ва тавсиялар берилди.

Нарзулла МАҲАМОВ,
«Ishonch» мухбири

Маънавият бекати

Косон тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини услубий таъминлаш ва ташкил этиш бўлими методисти Санжар Жумаев билан яқин қадрдонмиз.

Тарбия калити

Бир сафар Санжар ака истиқомат қиладиган Пўлати қишлоғидаги тўйда қатнашдик. Тўй алламаҳалда тугагани боис у кишининг хонадонида қолишимга тўғри келди. Боланинг соғлом, маънавий баркамол бўлиб улғайишида катталар ибрат кўрсатишига шу оилада гувоҳ бўлдим.

Гап орасида устозим шундай деб қолди:

— Набираларимни кўпинча эрта тонгда кўраман, холос. Сабаби, ишдан кеч қайтаман. 6 ёшли Аврангзеб, 4 ёшли Шаҳризода ва Хосиятбонулар бувисининг «ҳукми» билан эрта тонгда уйғонишади. Аврангзеб қўзичоқларига «нонушта»сини берса, қизчалар супур-сидир қилишади.

Шу пайт набираларини ошхонага чорлаётган бувисининг гаплари қулоққа чалинди:

— Ақлли ўғлим, асал қизларим, чарчамадингизми? Энди чойингизни ичинг. Боғчадан янаям ақлли бўлиб қайтинг. Айтмоқчи, Президент бобонгиз бу йилни қандай атаганлар?

Набиралар бирваракайига:

— Соғлом бола йили!

— Яна нима деганлар?

— Чет тилларни ўрганинг, деганлар.

Санжар ака Аврангзебни чақирди. У инглиз тилида эллиққа қадар бемалол санай оларкан. Ўзи, оила аъзолари ва боғчаси ҳақида инглиз тилида маълумот ҳам берди.

Яқинда мактабимизда бўлиб ўтган ота-оналар йиғилишида шу воқеани тўпланганларга ҳикоя қилиб бердим. Бундан кўпчилик таъсирланиб, ҳар бир оилада ана шундай муҳит яратилса, жажжи болакайларга маънавий тарбия берилса, фарзандларимиз келажакда етук инсонлар бўлиб етишади, деган фикрни билдиришди.

Давлат КАРИМОВ,
Косон туманидаги 24-умумтаълим мактаб директори

Кичкинтойлар — ғамхўрлик оғушида

«Соғлом бола йили» Давлат дастури ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2014 йил 16 майдаги «Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни байрамини ўтказишда касаба уюшмаларининг иштирокини таъминлаш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида касаба уюшмалари томонидан қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Саховатпешалар

Жумладан, Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши, Касаба уюшмалари Марказий кенгашларининг шаҳардаги ташкилотлари «Касаба сайр» шўъба корхонаси билан ҳамкорликда «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчилари ҳамда турли танловлар ғолиби бўлган болаларнинг пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойлари, мустақиллик йилларида барпо этилган иншоотлар, музейлар, истироҳат боғларига саёҳатлари уюштирилади.

Куни кеча Тошкент шаҳридаги «Мурувват» ногирон болалар учун 1- ва 2-интернат уйларида «Касаба уюшмалари — болаларга» акцияси доирасида тадбир ўтказилди. Унда Олмазор туманидаги болалар бадиий ҳаваскорлик ҳамда туман маданият ва спорт ишлари бўлими бадиий жамоалари томонидан қизиқарли маданий дастур намойиш этилди, болалар «Мурувват» уйларига Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан компютер ва қимматбаҳо совғалар тақдим этилди.

— Болажонлар учун давлатимиз, саховатпеша ташкилотлар ва фуқаролар томонидан меҳр-мурувват ва ҳомийлик ёрдами берилиб, маданий-маърифий тадбирлар ўтказилаётганидан бошимиз осмонга етмоқда, — деди «Мурувват» ногирон болалар учун 1-интернат уйи директори Абдуазиз Эшмуродов. — Ўйлайманки, бугунги ажойиб маданий тадбир ҳам барчада унутилмас таассурот қолдирди.

Ўз мухбиримиз

Истеъдодлар орамизда

Бойчечаклар очилади тоғларда,
Дов-дарахтлар гулга кирар боғларда.
Бутун олам яшилликка бурканар,
Юртимизга Наврўз келган чоғларда...

Нурли чўққилар сари

Эндигина 9 ёшни қаршилаган Умиджон қўшиқни тугатганда, зал олқишларга кўмилди. Бундан унинг кўнгли кўтарилиб, яна бир қўшиқ айтишга ундади. Жарангдор овозда куйланаётган «Ватан» ашуласидан кўпчилик сеҳрлаб қўйилгандек эди.

Умиджон Холматов ушбу ўқув йилида Нишон туманидаги 5-умумтаълим мактабининг 4-синфини тугаллади.

— Эсимда, — дейди отаси Абдужалил Каримов, — ўшанда ўғлим 5 ёшга кирган эди. Тоғаси Қўчқор Ёқубов туғилган кунига дўмбира совға қилиб, қўлини маҳкам қисганча: «Умиджон, сенда санъатга кучли қизиқиш бор. Келгусида шу соз сени нурли чўққилар сари етакласин», деди. Ундаги истеъдоднинг рўёбга чиқишида тоғасининг истаклари, ўша дўмбира сабаб бўлгандир балки. Ҳозирда ўғлим нафақат мактабда, қолаверса, туман ва вилоятда ўтказиладиган турли байрам тадбирларида ҳам санъатини намойиш қилиб келаётир.

— Юртимизда истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилаётган эътибор туфайли Умид каби минг-минглаб иқтидор эгалари етишиб чиқаётир, — дейди мактаб директори Бахтиёр Асқаров. — Истеъдодли ўқувчимиз билан фахрланамиз. Ҳар бир маданий-маърифий тадбир усиз ўтмайди.

Умиджон «Чанқовуз» ашуласи билан эл назарига тушди. Тумандаги ўйингоҳда ўтказилган Наврўз байрамида қамашилик Улуғбек бахшининг «Туялар» ва «Ойсулув» қўшиқларини маромига етказиб куйлаганлиги ҳали-ҳамон кўпчиликнинг ёдида. Қарши шаҳридаги 9-мусиқа ва санъат мактаби ўқитувчиси Шаҳзод Норчаев унга устозлик қилиб, ўзининг мусиқа асбоби — танбурни совға қилди. Эндиликда у турли мусиқа асбобларини чалишни ўзлаштириб олган. Отаси Абдужалил Каримов фарзанди учун бор имкониятларни яратиб бераётир.

Синф раҳбари Мейлихол Чориеванинг таъкидлашича, Умидда нафақат санъат, балки фанларни ўзлаштириш, спорт соҳасида ҳам қобилият кучли. Аъло ўқиб, тенгқурларига ўрнак бўлаётганлиги бунинг яққол далилидир.

...Қир-адирда асов отлар кишнайди,
Мард йигитлар жиловидан ушлайди.
От чоптириб, кўпкарини бошлайди,
Юртимизга Наврўз келган чоғларда.

Тингланг, Умиджон куйлаяпти...

Шавкат СУЛТОНОВ,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси.

Суратда: Умиджон Холматов.
Муаллиф олган сурат

Тошкент вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан Тошкент Давлат аграр университетида 2014 йилги мавсумда болаларни ёзги соғломлаштириш ва дам олдириш ташкилотчиларининг вилоят семинари ташкил этилди.

Ташкилотчилар йиғини

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 мартдаги қарори билан тасдиқланган «Республика оромгоҳларида болаларнинг дам олиши ва соғломлаштириш Концепцияси» талаблари асосида жорий йилнинг ёз мавсумига барча турдаги оромгоҳларни тайёрлаш, болаларнинг сифатли соғломлаштирилиши ва дам олишини ташкил этиш бўйича қатор ишлар олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, Республика Мувофиқлаштирувчи гуруҳи таркибидаги Ишчи гуруҳлар билан ҳамкорликда мавсумга тайёргарлик ишлари олиб борилиб, оромгоҳлар учун керакли бўлган услубий қўлланмалар, тарқатма материаллар тайёрланди. Оромгоҳларни кадрлар билан таъминлаш, уларни ўқитиш бўйича тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

— Касаба уюшмалари болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш ишлари сифатини яхшилашга мунтазам эътибор қаратиб келмоқда, — дейди ЎзКУФК ташкилий ишлар бўлими мудири Равшан Самарбеков. — Бунинг натижасида соғломлаштириш сифати тобора яхшиланиб бормоқда. Янгидан-янги имтиёзлар белгиланмоқда. Бу оромгоҳлар жозибадорлигини оширмоқда.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг маблағи ҳисобига жойлардаги кам таъминланган оилалар фарзандлари, ота-онасиз болаларни бепул дам олдириш белгиланган. Шунингдек, Сурхондарё вилоятининг Сариосиё ва Узун туманларидаги кам таъминланган оилаларнинг 100 нафар фарзанди Самарқанд вилоятидаги «Золотинка» оромгоҳида соғломлаштирилади. Жойлардаги «Меҳрибонлик» уйларининг 2 минг нафар тарбияланувчиси эса касаба уюшмалари маблағи ҳисобидан дам олдирилади.

— Оромгоҳлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир ташкилий масалаларни ўз вақтида ҳал этиш, хавфсизлик ва тиббий хизмат, шунингдек, болаларнинг мазмунли дам олишини таъминлаш бўйича ҳудудий мувофиқлаштирувчи гуруҳ аъзолари, ишчи гуруҳлар, вилоят халқ таълими, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими, ички ишлар, ёнғин хавфсизлиги, фавқулодда вазиятлар, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт ишлари бошқармалари, санитария ва эпидемиология назорати маркази, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ЁИҲ, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши тасарруфида оромгоҳлари бўлган корхона ва ташкилот раҳбарлари, оромгоҳ бошлиқлари билан биргаликда чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш юзасидан тизимли назорат ва мониторингни таъминлаш бўйича ишлар олиб борилмоқда, — дейди бирлашма маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлим мудири Ш.Одилхонова.

— Тошкент вилоятидаги мавжуд 20 та оромгоҳга бошқармамиз томонидан тиббиёт ходимлари бириктирилди. Болалар ўртасида юқумли касалликлардан зарланиш, травматизм ҳолатларининг олдини олиш учун мутасадди ходимларга биринчи ёрдам кўрсатиш бўйича тушунчалар берилди. Шунингдек, оромгоҳлар соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан «Дори-дармон» ОАЖ билан келишилган ҳолда зарурий дори-дармон воситалари билан тўлиқ таъминланади, — деди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси масъул ходими Дилбар Гаитова.

Семинар давомида оромгоҳ раҳбарлари, бош тарбиячилар, етакчи ва тўгарак раҳбарлари ҳамда ҳисобчилар учун алоҳида ўқувлар ташкил этилди.

Жамшид ЭРҒАШЕВ,
«Ishonch» мухбири

Гапни гапир уққанга

Баркамол фарзанд соғлом оилада камол топади

Ҳаёт турли тасодиф-у, кутилмаган воқеаларга тўла. Бироқ, турмушнинг асрлар оша давом этиб келаётган шундай олтин қоидалари ҳам борки, унга амал қилган инсон ўз келажагини ёрқин тасаввур эта олади. Биз бугун сўз юритмоқчи бўлаётган мавзу ҳам бевосита бахтли турмуш, ёрқин келажак билан боғлиқ.

Касбимиз тақозоси билан фарзандидан нолиган ёхуд жисмоний, руҳий нуқсон билан дунёга келган дилбандидан воз кечмоқчи бўлганлар ҳақида кўп эшитамиз. Баъзан бундай кимсалар билан юзма-юз бўлишга, уларни эзгуликка чорлашга ҳам тўғри келади. Бу ташвишлар қай кўринишда бўлмасин, киши бошига бежиз тушмайди. Шундай пайтда энг кўп бериладиган саволнинг жавоби, афсуски, доимо бир хил: «Ўзим айбдор!»

Муқаддас ҳадисларда таъкидланишича, отанинг фарзанд олдидаги асосий бурчлари учтадир: фарзанд учун муносиб она бўлгулик аёлга уйланиш, чиройли исм бериш, гўзал тарбия ва билим олишини таъминлаш. Бу фарзлар бугунги кунда ҳам долзарблигича турибди, қолаверса, қонунларимизда қайд этилган меъёрларга айнан мувофиқдир. Шу уч мувофиқликни таъминлаган инсон келажакда фарзандидан фақатгина яхшилик кўради, у ҳақда ширин сўзлар эшитиш бахтига муяссар бўлади.

Турмуш қуришда ҳар икки тараф чуқур мулоҳаза юритиб, ҳаётнинг синовли паллаларига тайёр эканликларини инобатга олиб, никоҳ ҳужжатларига имзо қўймоғи лозим. Рози-ризолик билан бошланган янги ҳаётда эса ҳар бир хатти-ҳаракат соғлом фарзандни дунёга келтиришга йўналтирилиши мақсадга мувофиқдир. Соғлом фарзандни дунёга келтириш нафақат жисмоний имкониятларга, балки руҳий баркамоллик, маънавий тайёргарликка ҳам боғлиқ. Зеро, халқимизда азал-азалдан бола ахлоқини, одобини шакллантириш, аввало, оилада акс этишига урғу беришган. Оиланинг ҳар бир аъзоси ўз хатти-ҳаракати билан фарзандга намуна кўрсатиши керак. Чунки мурғак бола илк тарбияни оиладан олади. Фарзанд ота-онанинг оғушидан, илиқ нафасидан, қалб ҳароратидан баҳра олиб ўсади.

Оилавий муносабатларда фарзанд ибрат оладиган, унинг дунёқарашига кенг таъсир этгувчи яна бир ришта борки, баъзан бу жиҳат оғриқ нуқтага айланиб, кўпдан-кўп дилхираликларга сабаб бўлади. Бу — қайнона-келин муносабатидаги нотенгликдир. Яхши қайноналар ниҳоятда кўп, уларга таъзим қилиш керак. Бироқ... одамийлик китобини чуқурроқ ўқимаганлари ҳам топилади. Улар келини — набираларини дунёга келтирувчи аёлнинг қалбини ҳисобга олмай муносабатда бўлишадики, бу ҳеч қайси меъёрга тўғри келмайди. Мана шу ерда ёш навниҳол келин ўзини бахтсиз, ёлғиз ҳис қилади, кўзига ҳатто болалари ҳам кўринмайди.

Ёки аксинча, ёши улуғларга қандай ҳурмат кўрсатиш лозимлиги борасида тарбия кўрмаган айрим келинларимиз қайнонанинг қалбини чилпарчин қилишади.

Зеро, арзимаган сабаблар туфайли бузилиб кетаётган оилаларнинг уволи шундай қайнона-келинларни ўйлантириши керак, менимча. Оилада аёлга нисбатан «Бу менинг миллатимнинг ворисси, авлодимни давом эттирғувчи, уйимни ёритгувчи шамчироқ-ку! Нега унинг онасини эъзозламаслигим керак», деган фикр уйғонмас экан, маънавий соғломликка эришиш қийин.

Юртбошимизнинг «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт» деган ҳикматли гапи шунчаки шиор эмас, бильакс ўзбекона ҳаёт ҳақиқатидир. Бу борада, аввало, етарли ҳуқуқий асос яратилганини эсласак. Дастлаб, 1992 йилда БМТнинг «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенциясининг ратификация қилиниши бола ҳуқуқларига оид давлат сиёсатининг шакилланиши учун замин яратди. Алоҳида фахр билан таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда бола ҳуқуқлари ва эркинликлари 100 дан ортиқ қонунлар билан тартибга солинган бўлса-да, 2008 йил 7 январда «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун ҳам кучга кирди. «Болаликдан ногиронлар туғилишининг олдини олиш учун янги туғилган чақалоқлар ҳамда ҳомиладор аёлларда туғма ва бошқа патологияни барвақт аниқлаш бўйича «Она ва бола скрининги» давлат тизимини ташкил этиш тўғрисида» қабул қилинган қарор ҳам ҳаётимизда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Бу, албатта, фаровон турмуш натижасида эришилган имкониятлар. Муҳими, улардан унумли фойдаланиш, қилинган хатолардан ибрат олиш, яхшиларга ҳавас қилиб, ортидан эргашишдир.

Айтиш жоизки, бўлимимизда ташкил этилган «Оила дорилфунуни»даги суҳбатларимизда турмуш қуриш арафасидаги ёшлар билан бу борада кўп фикр алмашганмиз. Туманимизда ажралишлар сонининг камаяётганида бу ҳолат ҳам аҳамиятли. Шунингдек, жорий йилнинг шу вақтига қадар дунёга келган ва биз томонимиздан туғилиш гувоҳномалари тақдим қилинган 1800 нафардан ортиқ болажоннинг бахтли ҳаёти ва гўзал тарбиясига муносиб ҳисса қўшиш орзуси фаолиятимизда бардавом бўлишга ундайверади.

Нодира ЖАЛОЛОВА,
Чуст туман ФҲДЁ бўлими мудираси

Молия
МУАССАСАЛАРИДА

Ishonch
2014-yil 31-may № 66-67 (3416)

Реклама ўрнида

Банк тизими — фаровонлик асоси

Президентимиз раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, соҳа вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар учун кенг имконият ва шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Бугунги кунда банклар тадбиркорларга нафақат мижоз, балки яқин ҳамкор сифатида қарамоқда.

Гулнора МАҲМУДОВА,
«Тадбиркор аёл» Ўзбекистон Ишбилармон аёллар ассоциацияси раиси:

— Мамлакатимизда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятдаги ўрни ва ролини янада ошириш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Илм-фан, тадбиркорлик, спорт ва санъат, қўйингки, қайси соҳа бўлишидан қатъи назар, аёлларимиз эришаётган ютуқлар ҳар қанча таҳсинга лойиқ. Мамлакатимиз иқтисодиётининг барча соҳа ва тармоқларида меҳнат қилаётган аҳолининг 50 фоизга яқинини айнан хотин-қизлар ташкил этаётгани ҳам кўп нарсани англатади.

Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони қабул қилинганига ҳам 10 йил тўлди. Мазкур Фармон ўтган йиллар давомида тадбиркор аёллар сони кўпайиб, уларда жамиятда муносиб ўрин эгаллашга катта рағбат уйғотди.

Ушбу Фармон ижроси банк тизимида ўз вақтида ва сифатли бажарилаётганлиги аёлларимизнинг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишларига, ўйлаган мақсадларига эришишларига қулай муҳит яратди.

Албатта, бунда Республика Марказий банки раҳбарияти томонидан ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, тадбиркорлик соҳасида фаолият кўрсатаётган опа-сингилларимизга яқиндан амалий ёрдам берилаётгани ҳар қанча эътирофга лойиқдир.

Марказий банк билан ҳамкорликда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида тадбиркор аёллар иштирокида ўтказилаётган амалий учрашувлар, бизнес форумлар бугун ўз самарасини бермоқда. Шунингдек, коллежларни битирган қизларимиз учун бўш иш ўринлар ярмаркалари ташкил этилиб, юзлаб ёшларнинг иш билан бандлиги таъминланганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ифтихор билан айтиш мумкинки, юртимизда ишончли ва ҳар томонлама кафолатланган банк тизимининг фаолият кўрсатиши бу борадаги ишларни амалга оширишда муҳим омил бўлаётир.

Қайд этиш жоизки, аёллар тадбиркорлигини молиявий қўллаб-қувватлашга тижорат банклари томонидан йўналтирилган кредитлар ҳажми йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Сўнгги 10 йил давомида кредитлаш ҳажми 30 баравардан зиёд ўсганлиги юртимизда аёллар тадбиркорлиги юксак даражада ривожланаётганлиги, юртимиз банк тизимининг мазкур фармон ижросини тўлақонли равишда сифатли бажараётганлигидан далолатдир.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида айнан аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга тижорат банклари томонидан 600 млрд. сўмдан зиёд кредитлар ажратилиши кўзда тутилган бўлиб, ушбу кредитлар ўз муддатларида ажратилиб, дастур бандлари тўлиқ бажарилмоқда.

Бу борада чет эллик ҳамкорлар билан ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, «Халқ банки» ва «Микрокредитбанк» томонидан Германиянинг Халқаро Ҳамкорлик бўйича Омонат кассалари жамғармаси билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий ва Сирдарё вилоятларида ҳамда «Микрокредитбанк» томонидан Навоий, Тошкент ва Сурхондарё вилоятларида фаолият юритаётган аёл тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 2012-2013 йиллар мобайнида 525,0 минг евродан зиёд микрокредитлар ажратилганлиги ҳам айни муддао бўлди.

Тижорат банклари томонидан ажратилаётган кредитлар эвазига юзлаб ишлаб чиқариш объектлари, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳалари жадал ривожланаётганлиги, энг муҳими, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида минглаб янги иш ўринлари яратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Юртимизда соҳани ривожлантиришга шундай қулай муҳит яратилганлиги опа-сингилларимизнинг эртанги кунга бўлган ишончини орттирмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Республика Марказий банкининг амалий ёрдами билан опа-сингилларимизнинг барча ғоялари амалга ошмоқда, ўз орзу-мақсадларига эришмоқда.

«Тадбиркор аёл» Ўзбекистон Ишбилармон аёллар ассоциациясининг Республика Марказий банки билан ҳамкорликда олиб бораётган амалий ишлари хотин-қизларнинг жамиятда юксак мавқе эгаллашида муҳим ўрин тутаяпти. Фурсатдан фойдаланиб юртимизнинг тадбиркор аёллари номидан Республика банк тизими раҳбариятига ўз миннатдорчилигимизни билдириб қоламиз.

Раҳима ҚЎРҒОНОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси:

— Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимизда барқарор ва самарали ишловчи банк тизимини яратишга катта эътибор берилиб, ислоҳотлар босқичма-босқич ва изчиллик билан амалга ошириб келинмоқда. Президентимиз ташаббуси билан тижорат банкларининг барча солиқ тўловларидан озод этилиши ва бундан банклар ихтиёрида қоладиган маблағларни уларнинг инфратузилмалари ва моддий-техник базасини янгилаш учун йўналтирилиши тизимнинг ривожланишида жуда муҳим рол ўйнади.

Тизимда олиб борилаётган ўзгаришлар молиявий барқарорликни таъминлаш, шу асосда иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида таркибий ислоҳотларни амалга ошириш учун қулай шарт-шароит яратилаётгани билан эътиборлидир.

Бугун банкларимиз ишончли ва кафолатли тизим сифатида самарали фаолият кўрсатаётир. Албатта, муҳтарам Президентимиз томонидан банк тизимини бошқаришда юртимиз мустақилликка эришган кунлардан бошлаб, ўз ишига виждонан ёндашадиган, ҳар томонлама етук, соҳани мукаммал билувчи, халқимизнинг узоқ келажагини ўйлайдиган фидойи кадрларни тўғри танлаб жой-жойига қўйилгани бугунги кунга келиб, юртимизда мустаҳкам ва ишончли банк тизимининг самарали ишлашида асосий омил бўлмоқда.

Албатта, бу борада юртимизга ташриф буюраётган ҳар бир иқтисодчи хорижлик экспертлар, нуфузли рейтинг агентликлари томонидан ҳам банк тизимидаги муваффақиятларни юқори даражади эътироф этилаётгани ҳам ҳар биримизнинг қалбимизни чексиз ифтихорга тўлдиради.

Хабарингиз бор, ўтган йилларда дунёда кўплаб иқтисодий ва молиявий инқирозлар ҳали бери давом этмоқда. Шундай бир пайтда, давлатимиз раҳбари томонидан инқирознинг олдини олиш борасида қабул қилинган дастур ва тавсия ҳамда кўрсатмалар асосида Республика Марказий банки томонидан банк тизимини пухта, стратегик ва оқилона бошқариши, ҳар бир банк ликвидлигини мустаҳкамлайди. Мониторинг тизимининг тўғри йўлга қўйилганлиги натижасида молиявий барқарорлик тўлиқ таъминланмоқда.

Энг муҳими, банк инфратузилмалари (филиаллар, мини-банклар, махсус кассалар) барча яшаш пунктлари, ҳатто олисдаги аҳоли истиқомат қиладиган ҳудудларни қамраб олиб, замонавий банк хизматларини кўрсатиб келмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Марказий банк томонидан жойларда тадбиркорлар, ёшлар иштирокида ўтказилаётган амалий тадбирлар ўз самарасини бераяпти.

Яқинда пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида тадбиркорлар, хорижий инвесторлар иштирокида Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда «Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори мазмун-моҳиятига бағишланган анжуман ўтказилди. Ушбу нуфузли анжуманда иштирок этиб, амин бўлдимки, ушбу муҳим ҳужжатлар тадбиркорликни янги босқичига олиб чиқиши билан ҳам ғоят аҳамиятлидир.

Республика Марказий банки томонидан ана шундай нуфузли анжуманларнинг кўплаб ўтказилиши ўз самарасини бераётганлиги диққатга сазовор.

Таъкидлаш жоизки, банкларда сақланаётган аҳоли омонатлари давлат томонидан тўлалигича кафолатланганлиги банкларга бўлган ишончни янада оширмоқда. Аҳолининг омонатга пул қўйишида биринчи навбатда «банкка бўлган ишонч», қолаверса, «юқори даромадлилик», «юқори даражада хизмат кўрсатиш» каби унсурлар ҳал қилувчи омил бўлмоқда.

Айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида ажратилаётган имтиёзли кредитлар юқори самара бермоқда. Имтиёзли кредитлар олиш ҳуқуқини берувчи сертификатларга эга бўлган ёшларга бизнесларини йўлга қўйиши учун қисқа муддат ичида ушбу маблағлар ажратилаяпти.

Имтиёзли кредитлар ёшлар учун бошланғич капитални шакллантириш ва ўз фаолиятини кенгайтиришда катта имконият яратмоқда.

Шунингдек, тадбиркорлар банк томонидан берилган кредитдан самарали фойдаланиб, юксак натижаларга эришгани ва кредитни қайтаришда ҳеч қандай қийинчиликларга учрамаганлигини алоҳида таъкидлашмоқда.

Мазкур ижобий кўрсаткич мамлакатимизда тадбиркорлик учун қулай ишбилармонлик муҳити яратилганлиги, бизнес лойиҳаларнинг сифат жиҳатдан мукаммал ва пухта ишлаб чиқилаётганлиги, кредитдан фойдаланиш давомида банк мутахассислари томонидан таъсирчан мониторинг ўтказилаётганлиги билан изоҳланади.

Мухтасар айтганда, банк тизими томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари, қабул қилинган давлат дастурларида белгиланган тегишли вазифалар ижроси тўлиқ бажарилаётир.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки етакчилигида мамлакат тижорат банклари томонидан амалга оширилаётган барча ишлар меҳнаткаш халқимиз фаровонлигини оширишга ва мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг юксалишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Алишер НАСРИТДИНОВ,
«Камолот» ЁИҲ Марказий кенгаши раиси ўринбосари:

— Давлатимиз раҳбарининг шу йилнинг феврал ойида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори мамлакатимиз ёшларига бўлган юксак эътибор намунаси бўлди.

Мазкур Қарордан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида 2014 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш ҳаракат режаси» қабул қилиниб, барча ташкилотлар томонидан ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги тегишли вазифалар ушбу дастурда ўз аксини топди.

Шу ўринда, «Камолот» ЁИҲ Марказий банк билан ҳамкорликда кенг кўламли ишлар олиб бораётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Хусусан, Марказий банк билан биргаликда, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида шу йилнинг март ойида «Менинг бизнес ғоям» лойиҳасини амалга ошириш мақсадида «Камолот» ёшлар ороғоҳида 20 нафар «Ёш тадбиркор» консултатив маркази координатори, 70 нафар жамоатчи бизнес тренери иштирокида тегишли лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган ўқувлар ўтказилди. Шу билан бир қаторда, ўз бизнесларини йўлга қўйиш истагини билдирган ёшларга имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи махсус сертификатлар тақдим этилди.

Айни пайтда «Ёш тадбиркор — юртга мададкор» ва «Ёш тадбиркор — келажакка пойдевор» лойиҳаларини республиканинг барча ҳудудларида амалга ошириш юзасидан тегишли ишлар олиб борилмоқда.

Албатта, банк тизими томонидан ёшларни молиявий қўллаб-қувватлаш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, коллежларни битирган ёшлар учун жорий йил давомида 160 млрд. сўм кредитлар ажратилиши кўзда тутилган бўлиб, шу йилнинг ўтган ойлари давомида 41,5 млрд. сўм кредитлар йўналтирилганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Марказий банк тавсияси асосида тижорат банкларида коллеж битирувчисининг микрокредит олиш учун таъминоти етарли бўлмаган тақдирда, яқин қариндошларининг иш ҳақи тўғрисидаги маълумотномани тақдим этиш орқали кафиллик бериш амалиёти жорий этилганлиги айни муддао бўлмоқда.

Жорий йилнинг апрел ойида Марказий банк ташаббуси билан ташкил этилган банк хизматлари, технологиялари ва ускуналари «Банк экспо — 2014» миллий кўргазмасида битирувчи ёшларга банк тизими соҳасининг бугунги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари, кўрсатилаётган банк хизматлари, банклар томонидан кредитлар ажратиш тартиблари, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш ҳолатига оид маълумотлар берилди.

Ушбу дастурга асосан тижорат банклари томонидан олий таълим муассасалари талабаларига таълим кредитлари бериш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши белгиланган бўлиб, тижорат банклари томонидан шартнома асосида ўқишга қабул қилинган ёшларга Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасидан ошмаган миқдорда кредитлар ажратилмоқда.

Бугунги кунда Марказий банк томонидан ҳудудларда ёшларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент Фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари билан яратилган имтиёзлар, шарт-шароитларни тушунтириш мақсадида жойларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, сиёсий партиялар, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, жойлардаги ҳокимликлар ҳамда бошқа тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда амалий учрашув ва семинарлар ташкил этилаяпти. Мазкур учрашувларга чорвачилик, паррандачилик ва боғдорчилик фермер хўжаликларини ташкил этиш бўйича бизнес лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш бўйича тегишли ташкилотлар ҳам таклиф этилиб, бу борада амалий ёрдамлар бериб келинмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Республика банк тизими томонидан Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорининг банк тизимидаги ижроси сифатли амалга оширилиб, ўз самарасини бераётганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Ва албатта, Марказий банк билан ҳамкорликда ёшларни қўллаб-қувватлаш, энг муҳими, уларнинг иш билан бандлигини таъминлаш дастурининг бажарилиши борасидаги барча саъй-ҳаракатлар ўз натижасини бераётир.

Аноржон ВАПАЕВА,
Хоразм вилояти, Янгиариқ тумани, Каттабоғ қишлоғи:

— Бугунги кунда юртимиздаги ўзгаришларни кўриб қалбингиз ғурурга тўлади. Халқимиз тинч, осуда ва бахтли ҳаёт кечирмоқда.

Тадбиркорлар банкларнинг амалий ёрдами билан оилавий корхоналар очиб, ҳам оиласи, ҳам юрт фаровонлигига ҳисса қўшмоқдалар. Кечагина коллежни битирган қишлоғимиз ёшлари бугун банкларнинг имтиёзли кредитлари эвазига хусусий корхона очиб, тенгдошларини иш билан таъминламоқда.

Аввалари кўплаб маҳсулотлар хориждан олиб келинар эди. Ҳозир улар банкларнинг молиявий кўмаги билан ўзимизда ишлаб чиқарилмоқда.

Очиғини айтиш керак, оммавий ахборот воситалари орқали кўриб турибмиз, ҳали-ҳамон давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида банкларнинг барқарор ва ишончли фаолият кўрсатиши осон иш эмас.

Бугун қайси бир банкка борсангиз, мижозлар билан тўлалигича кўзингиз тушади. Банкларимизда ресурс маблағлари етарли. Тадбиркорлар ҳеч бир муаммосиз кредитлар олмоқда.

Бу, авваламбор, мустақиллик йилларида Юртбошимиз томонидан белгилаб берилган устувор йўналишлар асосида мамлакатимизда халқаро талаблар даражасига мос келадиган банк тизими яратилганлиги туфайлидир. Бугун банклар халқимизнинг ишончли таянчига айланиб, мижозларнинг турмушини янада яхшилаш йўлида хизмат қилмоқда.

Зеро, мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан банк-молия тизимининг такомиллашувига боғлиқ. Бугун соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар бунга қатъий ишонч уйғотади.

Марказий банк материаллари асосида «Ishonch» мухбири Ж.ЭРГАШЕВ тайёрлади

ЎзА суратлари

Касаба уюшмалари ҳомийлигида

Пойтахтимиз ҳақида гап кетганда дунё кезган европалик бир сайёҳнинг: «Тошкент турфа кўриниши ва кўркамлиги билан Париж, Лондон, Нью-Йорк каби дунёнинг манаман деган шаҳарлари билан бемалол беллаша олади», — деган сўзлари ёдимизга тушади. Ҳақиқатан ҳам шаҳримиз кун сайин чирой очаётир. Замонавий ва салобатли, барча қулайликлар муҳайё. Бу таъриф замирида мисли кўрилмаган янгиланиш ва ўзгаришлар намоён. Айни вақтда шаҳримиздаги кўпқаватли уйлар сони 9.115 та бўлиб, улар 476 та маҳалла ҳудудида жойлашган. 2 минг 351 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати аҳоли учун қулай шароит яратиш масаласи билан мунтазам шуғулланиб келмоқда.

Миробод тумани янада гўзаллашади

Ушбу вазифани тўлақонли амалга оширишда Юртбошимизнинг 2013 йил 5 июлдаги «2013-2014 йилларда иқтисодиёт тармоқлари, кўпқаватли уй-жой фонди ва ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш мавсумига барқарор тайёрлашни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 1 мартдаги йиғилиши баёнидан келиб чиқиб, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсати ушбу масала юзасидан махсус қарор қабул қилди.

Мазкур қарорга кўра, Тошкент шаҳридаги Миробод тумани касаба уюшмалари ҳомийлигига олинди. Ҳозирда тумандаги 39 та маҳаллада жойлашган 715 та кўпқаватли уй-жойни куз-қиш мавсумига тайёрлаш, хонадонларга иссиқлик етказиб беришдаги узлуксизликни таъминлаш, лифтларни таъмирлаш, маҳаллалар ҳудуди ва уй-жойлар атрофини ободонлаштириш борасидаги тизимли ишлар изчил олиб борилмоқда.

ХАЛҚАРО БОЛАЛАР КУНИГА АЖОЙИБ СОВҒА

Касаба уюшмаларининг ташаббускорлиги, таъбир жоиз бўлса, эзгу ишларга қанот бахш этди. «Мингўрик» маҳалласида янгидан ташкил этилган болалар майдончаси фикримиз тасдиғи бўлиши мумкин.

— Айғимчокда мазза қилиб учяпмиз... — дея жавоб берди эндигина 4 ёшга тўлган Камолиддин болалар майдончаси тўғрисида сўраганимизда. — Бассейнгаям сув қуйишар экан. Ўрдакли балоним бор. Шунда чўмиламан.

Болакайнинг юзидаги севинч ифодаси бизга-да кўчди ва айни пайтда ичимдан қандайдир фахр ҳам туйдик. Касаба уюшмалари Федерацияси кўмагида 72-24-кўпқаватли уйлар ҳовлисида ташкил қилинган ушбу болалар майдончаси ўзгача кўриниш касб этганлигидан болаларча қувондик. Унинг очилиш маросими «Марварид» болалар ансамблининг томошалари билан янада файзга тўлди. Дастурхон тузалиб, аҳолига ош тортилди. Кўзларида сурур акс этиб турган болаларга китоблар ҳадя қилинди.

— Икки нафар набирам бор. Бири саккиз, бири беш ёшда, — дейди ҳудудда истиқомат қилувчи Исмоил Тоғаев. — Кичкинаси маҳалламиздаги спорт комплексида фаолият кўрсатаётган бадиий гимнастика тўгарагида шуғулланяпти. Каттаси эса сузиш машғулотларига боради. Ҳовлимизда болаларни овунтирадиган, уларнинг ғайратига эш бўладиган майдончага зарурат бор эди. Ҳомий ташкилот саъй-ҳаракати билан амалга оширилган ишларни кўриб, биз катталар ҳам болалар билан бирдек қувондик. Ҳовлимизга ўрнатилган чироқлар кечки пайт атрофни чароғон этиш билан бирга, маҳалладошларимиз кўнглини ҳам нурафшон этмоқда. Эндиликда шанба кунлари ҳашар уюштираяпмиз. Ҳовлидаги турникет, ўриндиқ, панжараларни бўядик. Сувоғи кўчган деворлар тартибга солинди. Ҳовли ўт-ўланлардан тозаланиб, дарахтларга шакл берилди. Бундан ташқари, бинолар ҳуснини бузиб турган гаражларни кўчирдик. Ҳовли ўртасида эски сузиш ҳавзаси бор эди. Қаровсиз аҳволдаги ҳавза тозаланиб, деворлари таъмирланди. Сувга чидамли бўёқ билан болаларга маъқул рангларга бўялди ва сувга тўлдирилди.

Болалар майдончаси очилишига бағишланган тадбирда туман ҳокимлиги, касаба уюшмалари Федерацияси вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида ажратилган маблағ ҳисобидан янги майдончага зарур жиҳозлар харид қилинди. Мўъжаз майдончанинг фойдаланишга топширилиши ҳудудда яшовчи ўғил-қизлар учун 1 июн — Халқаро болалар кунига ажойиб совға бўлди.

ҚАТОРДА НОРИНГ БЎЛСА...

Бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилинса, ҳар қандай юмушни бажариш мумкин. Миробод туманидаги кўпқаватли уй-жойларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш, хонадонларни қишда кўзда тутилган даражада иссиқлик билан таъминлаш, теварак-атрофни ободонлаштиришда ҳам хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари, мутасадди ташкилотлардан ҳамжиҳатликда иш олиб бориш талаб этилади.

Бу ҳақда «Сарикўл» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Хурсандой Авазова шундай дейди:

— Бир-бирини тушуниб ишлашга не етсин. Маҳалламиз ҳудудида 15 та кўпқаватли уй мавжуд. Ҳозир уларнинг кўпчилигида белгиланган дастур асосида таъмирлаш ишлари кетмоқда. Таъмирлаш ишларини амалга оширишда «Капитал» банк шаҳар бўлими кўмагига таяняпмиз. Турли ташкилотлар ҳам ёрдамини аямаяпти.

Дарҳақиқат, «Ўзэлтехсаноат» компанияси носоз лифтларни таъмирлашни ўз бўйнига олган бўлса, ҳар бир маҳаллага (ширкатга) бириктирилган тижорат банкларининг масъул ходимлари кредит масаласида ширкатларнинг оғирини енгил қилмоқда. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши айни кунларда туман ҳудудидаги «Толариқ» маҳалласини намунавий маҳалла қилиш тараддудида. Шунингдек, касаба уюшмалари маблағи ҳисобидан яна 4 та маҳалла ҳудудида («Чинор», «Мустақиллик», «Навбаҳор», «Толариқ») биттадан болалар майдончаси қўшимча равишда қуриб берилади. «Мустақиллик» маҳаласида болалар майдончаси фойдаланишга топширилгани эса эзгу ишлар дебочаси бўлди. Ушбу мақсад учун маҳаллаларга касаба уюшмаси маблағидан 22 млн. сўм ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Бундан ташқари, кўпқаватли уйларнинг 40 та эшигига кодли қулфлар ҳамда ойнаси синган фрамугаларга 20 квадрат метр ойна олиб берилди. 3 минг 500 туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди.

— Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан бириктирилган масъул ходимларимиз жойларга чиқиб, маҳалла фуқаролар йиғини оқсоқоллари ҳамда хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари билан ҳамкорликда тушган ариза ва муаммоларни кўриб чиқмоқдалар. Ҳал этилмаган масалаларга зудлик билан ечим топиш чоралари кўриб чиқиляпти, — дейди ЎзКУФК етакчи мутахассиси Дўстмурод Тўйчиев. — Улар кўпқаватли уйларда бўлишганда том қисмидан қишли-қировли кунларда сув ўтмаслигига, ертўлалар ҳолатига, иссиқлик тизимининг созлигига алоҳида эътибор қаратишяпти. Кўчаларнинг ободонлаштирилиши, чиқиндилар тўпланиб қолмаслиги ҳам масъулларимизнинг доимий диққат марказида.

ТОЛАРИҚ — НАМУНАЛИ МАҲАЛЛА БЎЛАДИ

«Толариқ» маҳалласига етиб келганимизда кун пешинга яқинлашиб қолганди. Маҳалла фуқаролар йиғини биносида бизни раис Ҳалима Исмоилова очиқ чеҳра билан кутиб олди. Яқиндагина сифатли таъмирдан чиқарилган хоналар янги мебеллар билан жиҳозланган. Раис хонасида маҳалла фаоллари тўпланиб, йиғилиш ўтказаётган экан.

— Бажарилган ишларни сарҳисоб қилаётгандик, — дея изоҳ берди Ҳ.Исмоилова.

Чиндан-да маҳалла фуқаролар йиғини котибаси Айжан Жақсиликова, маҳалла сардори Улуғбек Шаропов ҳамда «Янги Кўйлиқ коммунал сервис» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари раиси Азамат Арзиқулов зудлик билан бажарилиши лозим бўлган масалаларни муҳокама қилишарди.

— Маҳалламиз ҳудудида 34 та кўпқаватли уй-жой бўлиб, уларда куз-қиш мавсумига тайёрлаш ишлари кетмоқда, — деди йиғин раиси. — Айниқса, бу ишлар Холида Назаркина бошчилик қилаётган «Азалина коммунал сервис» масъулияти чекланган жамиятида кўнгилдагидек амалга оширилмоқда.

Маҳалла фуқаролар йиғини идорасини таъмирлаш ва замонавий кўринишга келтириш учун касаба уюшмалари ҳисобидан 138 миллион сўм ажратилди. Шу билан бирга, касаба уюшмалари ҳомийлигида 1 та болалар майдончаси қурилиши ҳам режалаштирилган. Ҳудудимизни ободонлаштириш мақсадида 600 туп мевали ва манзарали кўчатлар экилди.

Биноларни айландик. Ертўлалар озода. Айрим кўпқаватли уйларнинг томларида таъмирлаш ишлари авжида.

— Маҳаллаларга берилаётган эътибордан ниҳоятда хурсандмиз, — дейди «Азалина коммунал сервис» масъулияти чекланган жамияти раиси Холида Назаркина. — Яқинда «Ипотека» банкдан 10 млн. сўм кредит олгандик. Шу ҳисобдан 40-уйнинг томини таъмирлаяпмиз.

Маҳаллада истиқомат қилувчи тадбиркорлар ва қўли очиқ инсонлар ҳам қараб туришмаяпти. Мая Умарова, Қодир Қосимов, Турғуной Раҳимова, Бахтиёр Саидов, Сергей Ким, Иззатилла Қосимжонов ва бошқалар ўтказилаётган тадбирларга ҳамиша бош-қош.

Кўрганларимиздан биз ҳам ўзимизча хулоса чиқардик:

Шу кетишда давом этса, ҳадемай «Толариқ» маҳалласи шаҳримиздаги энг намунали маҳаллалардан бирига айланиши, шубҳасиз.

* * *

Олиб борилаётган ишлар билан танишиш жараёнида шу нарсага амин бўлдикки, қаерда уй-жой мулкдорлари ширкат раҳбарлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда банк ходимлари ва мутасадди ташкилотлар яқин ҳамкорликда ишласа, ижобий ютуқларга эришилиши тайин.

Жорий йил давомида шаҳримизни санитар тозалашга мўлжалланган 284 та махсус техника сотиб олинаётгани, мавжуд 4 минг 527 та лифтнинг барқарор ишлаши учун мутасадди раҳбарларнинг жавобгарлиги оширилганлиги, тижорат банклари томонидан хусусий уй-жой ширкатларига ажратилаётган кредитлар ҳам фикримизни тасдиқлаб турибди.

Неъмат РАФИҚОВ,
Улуғбек ИБОДИНОВ,
«Ishonch» муҳбирлари

Реклама ва эълонлар

«Respublika mulk markazi» ЁАЖ «Toshkent mintaqaviy filiali» бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Савдога ЎртаЧирчиқ туман ҳокимлиги Молия бўлимининг 2014 йил 21 апрелдаги AF-22 сонли буйруғи ва 2014 йил 20 майдаги 25-14/171 сонли буюртманомасига асосан, Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани Тўйтепа шаҳри Тошкент йўли 1-берк кўча манзилида сақланаётган, давлат рақами 10 395SAA бўлган 1998 йилда ишлаб чиқарилган техник носоз, «Нексия» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 7 340 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2014 йил 1 июл куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2014 йил 30 июн куни соат 18:00.

Автотранспорт воситаси 2014 йил 1 июл куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2014 йил 8 июл ва 15 июл кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: 2014 йил 8 июл савдолар учун 7 июл куни соат 18:00, 15 июл савдолар учун 14 июл куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452142, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳар, Амир Темур шоҳ кўчаси, 19-уй. Тел: 233-28-52. www.rmm.uz.

Хизматлар лицензияланган.

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига «O'zbekiston temir yo'llari» Давлат акциядорлик темир йўл компанияси «O'ztemiryo'lqurilishmontaj» унитар корхонасининг 2014 йил 27 майдаги 254-сонли буюртманомаси, «O'zbekiston temir yo'llari» Давлат акциядорлик темир йўл компанияси Кенгашининг 2012 йил 9 июлдаги 43-сонли баённомаси қарорига ва «O'zbekiston temir yo'llari» Давлат акциядорлик темир йўл компаниясининг 2012 йил 23 июлдаги 379-Н-сонли буйруғига ҳамда «O'zbekiston temir yo'llari» Давлат акциядорлик темир йўл компанияси Бошқарувининг 2014 йил 18 апрелдаги 26-сонли баённомаси қарорига асосан, Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, Зироат кўчаси, 52-уй манзилида жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 146944 кв.м. бўлган, бино иншоотлар ва мол-мулклар мулкий мажмуа сифатида қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 12 324 740 000 сўм.

Аукцион савдоси 2014 йил 30 июн куни соат 15:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2014 йил 27 июн куни соат 18:00.

Юқоридаги кўчмас мулклар 2014 йил 30 июн куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолари 2014 йилнинг 7 ва 14 июл кунлари соат 15:00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдолар учун аризалар қабул қилишнинг охирги муддати: 2014 йил 7 июлдаги савдо учун 4 июл, 14 июлдаги савдо учун 11 июл кунлари соат 18:00.

Савдога қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидагилар тақдим этилади: юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек тўлиқ ваколатли вакилнинг савдода қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, савдода тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; — аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Савдо ғолибига 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулклар учун тўловлар амалга ошириш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 2 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-лдаги ҳ/р: 20208000904920609114, МФО: 01036, ИНН: 207122519 тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Тел: 228-80-26. www.1kms.uz. Лицензия RR-0001.

МЧЖ шаклидаги «Сурхондарё Ким ошди савдо» корхонаси навбатдаги «Ким ошди» савдосини Термиз шаҳар, Тадбиркорлар маркази биноси, 2-қават, 10-хонада 2014 йилнинг 2,4,21 июл кунлари соат 10:00 дан бошлаб ўтказади.

Ушбу «Ким ошди» савдосида қуйидаги автотранспорт воситалари сотувга қўйилмоқда:

1. «Дамас» русумли, 2000 йилда ишлаб чиқарилган, 75/726 DAA давлат белгили, техник носоз ҳолатдаги автомашина. Бошланғич баҳоси — 1 700 000 сўм.

2. «Ваз-21061» русумли, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, 75/073 JAA давлат белгили, техник носоз ҳолатдаги автомашина. Бошланғич баҳоси — 380 000 сўм.

3. «Дамас» русумли, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, 75/721 DAA давлат белгили, техник носоз ҳолатдаги автомашина. Бошланғич баҳоси — 1 510 000 сўм.

4 Сурхондарё вилоят «Қишлоқхўжаликкимё» ХАЖ томонидан савдога чиқарилган, ММЗ-554 русумли, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, 19 АН 868 давлат белгили, техник носоз ҳолатдаги автомашина. Бошланғич баҳоси — 1 850 000 сўм.

Ким ошди савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар МЧЖ шаклидаги «Сурхондарё Ким ошди савдо» корхонаси билан закалат шартномасини расмийлаштириб, ОАТ Ҳамкорбанкдаги ҳ/р: 20208000104531008004, МФО:01001, ИНН:206710579 га сотилаётган автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда гаров пули тўлаган ҳолда ариза бериб, рўйхатдан ўтишлари шарт. Аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Термиз шаҳри, Ф.Хўжаев кўчаси, Тадбиркорлар маркази биноси 2-қават, 10-хона. Тел/факс: 8-376-223-07-96.Гувоҳнома № 719.

Хизматлар лицензияланган.

«Universal Realtor» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

Бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига Тошкент шаҳри, Ойбек кўчаси, 26-уйда жойлашган «UzGazOil» МЧЖга қарашли қуйидаги автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари қўйилмоқда:

1. Фарғона вилояти, Олтиариқ тумани, Файзабод қишлоғида жойлашган 101-сонли АЁҚШ, бошланғич баҳоси 132 090 000 сўм; 2. Фарғона вилояти, Бағдод тумани, Ултарма қишлоғида жойлашган 103-сонли АЁҚШ, бошланғич баҳоси 112 420 000 сўм; 3. Фарғона вилояти, Фарғона тумани, Пакана қишлоғида жойлашган 105-сонли АЁҚШ, бошланғич баҳоси 101 430 000 сўм; 4. Андижон вилояти, Балиқчи тумани, Андижон кўчасида жойлашган 108-сонли АЁҚШ, бошланғич баҳоси 177 870 000 сўм; 5. Андижон вилояти, Булоқбоши тумани, Кулла қишлоғида жойлашган 110-сонли АЁҚШ, бошланғич баҳоси 65 170 000 сўм; 6. Андижон вилояти, Бўз тумани, Жалолова қишлоғида жойлашган 111-сонли АЁҚШ, бошланғич баҳоси 223 230 000 сўм; 7. Андижон вилояти, Кўрғонтепа тумани, Ат-Термизий кўчасида жойлашган 112-сонли АЁҚШ, бошланғич баҳоси 155 680 000 сўм; 8. Андижон вилояти, Марҳамат тумани, «Таджибоев» фермер хўжалигида жойлашган 114-сонли АЁҚШ, бошланғич баҳоси 118 510 000 сўм; 9. Андижон вилояти, Шаҳрихон тумани, «Назармарҳам» қишлоғида жойлашган 117-сонли АЁҚШ, бошланғич баҳоси 255 080 000 сўм.

Аукцион савдоси 2014 йил 30 июн куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уйда бўлиб ўтади. Буюртманомалар юқорида кўрсатилган манзилда расмий иш кунлари соат 10:00дан 17:00 гача қабул қилинади. Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2014 йил 27 июн соат 15:00да.

Ушбу кунда сотилмай қолган ва аукцион савдоси бўлиб ўтмаган деб эътироф этилган АЁҚШларнинг такрорий аукцион савдолари 2014 йил 8, 15, 22 июл кунлари ушбу кунларда сотилмаган тақдирда ҳар ҳафтанинг сешанба кунлари соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий аукцион савдолари учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин соат 15:00да тўхтатилади.

Аукцион савдоси ғолиблари савдо натижалари тўғрисидаги баённома имзоланган кундан бошлаб 20 кун муддат ичида сотувчи билан мулк олди-сотди шартномасини имзолаши керак.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Universal Realtor» МЧЖнинг ХОАТБ «InfinBANK» МФО-01041, СТИР-302 269 399, 20 208 000 804 975 228 001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни буюртманома билан бирга топшириши керак: юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; закалат пули тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси.

Қўшимча маълумот олиш манзили: 100047, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 15-уй. Телефон 150-35-55 Факс: 236-26-65 www.realtor.uz Email universal.realtor@mail.ru

Лицензия RR-0127.

«Universal Realtor» МЧЖ 2014 йил 5 май куни бўлиб ўтган аукцион савдосида «UzGazOil» МЧЖга қарашли Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, Дўстлик ҚФЙда жойлашган 12-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаси ва унинг мол-мулклари 610 000 000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл тумани 1-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 23.06.2007 йилда Раманова Саида Илхамовнага берилган **Серия: O'R-SH, 0726869** рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Мулоҳаза

Танишимнинг қизи хорижга ишлаш учун кетди. Бироқ, у мўмай пул топасан дея ишонтирган виждонсиз кимсалар томонидан қўшмачиларга сотиб юборилгани орадан уч ой ўтибгина маълум бўлди. Ҳуқуқ-тартибот органлари кўмаги билан қиз ватанимизга қайтарилди. Бироқ, номуси топталиб, ҳаётдан кўнгли қолган муштипар шундан буён кўчага чиқмайди, кўздан нари бўлишга интилади.

Узоқнинг буғдойидан...

Бугун дунёда одам савдоси деган мудҳиш иллат тобора илдиз отиб боряпти. Яхшики, мамлакатимизда унга қарши кураш бўйича зарур ҳуқуқий меъёрлар ишлаб чиқилган. Ички ишлар вазирлиги ҳузурида одам савдосининг олдини олиш бўйича комиссия ишлаб турибди. Ундан жабр кўрганларни реабилитация қилиш, уларга моддий, маънавий ёрдам беришга шай марказлар фаолият юритяпти. Оммавий ахборот воситалари орқали аҳолини огоҳликка чақирувчи мақолалар, роликлар тинимсиз эълон қилиб бориляпти. Бироқ, «Узоқнинг буғдойидан, яқиннинг сомони яхши», деган мақолнинг маъносини англаб етмаётган, имонсиз кимсаларнинг алдовига учиб қолаётганлар ҳам йўқ эмас. Таъкидлаш жоизки, чет мамлакатда ишламоқчи бўлган фуқаролар мамлакатимиз қонунлари, халқаро келишувлар тўғрисида етарли маълумотга эга бўлишса, бундай ҳолатларнинг олди олинган бўларди.

Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эллардаги меҳнат фаолияти тартиби тўғрисида»ги Низоми талабларига мувофиқ, фуқароларимиз хусусий меҳнат шартномалари бўйича чет элларга фақат Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан бериладиган рухсатномалар бўйича чиқиш ҳуқуқига эга. Бу жараёнда вазирлик ходимлари томонидан иш жойининг ҳақиқатда мавжудлиги, у ерда яратилган шароитлар, иш ҳақи миқдори, унинг тўланишининг даврийлиги, пенсия тайинланиш кафолатлари ва бошқа кўплаб жиҳатлар ўрганиб чиқилади ҳамда назоратга олинади.

Марҳамат ТУРДАЛИЕВА,
Яккасарой туманидаги 2-давлат нотариал идораси катта нотариуси

Ishonch
2014-yil 31-may № 66-67 (3416)

ЁЗГИ ОРОМГОҲЛАР

ўқувчиларнинг таътилни мазмунли ўтказишларида муҳим ўрин тутади

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Бир неча йиллардан буён республикамизда ёзги соғломлаштириш мавсуми Ўзбекистон Республикасида болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш концепцияси асосида изчил ташкил этилмоқда. Ушбу ҳужжатнинг ҳаётга татбиқ қилиниши болаларни соғломлаштириш борасидаги ишларни такомиллаштириш билан бирга, оромгоҳлар фаолиятининг самарадорлигини оширди. Айни чоғда болаларни соғломлаштириш кўламини йилдан-йилга кенгайтириш имконини ҳам бераяпти.

— Бу йилги мавсумга тайёргарлик кўришда нималарга эътибор қаратилди?

— Соғлом бола йилида мавсумга ҳар йилдагидан ҳам юқори савияда ҳозирлик кўрилди. Хусусан, ўтган йилги мавсум якунлангач, Болаларни ёзги дам олдириш ва соғломлаштириш ташкилотчиларининг III республика форуми ташкил этилиб, амалга оширилган ишлар таҳлил қилинган ва олдимизда турган вазифалар аниқ белгилаб олинган эди. Ўтган даврда бу орада муайян ишлар бажарилди. Аввало, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши мутахассислари, тегишли мутасадди идоралар вакилларидан иборат ишчи гуруҳлар томонидан жойлардаги болалар оромгоҳларини мавсумга тайёрлаш ишлари ўрганилиб, таҳлил қилинди. Шу билан бирга, «Соғлом бола йили» Давлат дастуридаги вазифалар асосида оромгоҳларда мавсумни мазмунли ўтказиш ва болаларни фойдали машғулотларга йўналтириш, уларнинг кўпроқ табиат қўйнида бўлишини таъминлаш мақсадида тегишли идоралар, ташкилот ва вазирликлар ҳамкорлигида махсус дастур ишлаб чиқилди. Бундан ташқари, республика Мувофиқлаштирувчи гуруҳи таркибидаги ишчи гуруҳлар билан ҳамкорликда оромгоҳлар учун зарур услубий қўлланмалар, тарқатма материаллар тайёрланди ҳамда оромгоҳларни малакали кадрлар билан таъминлаш юмушлари бажарилди. Шу мақсадда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳудудий ўқув-семинарлар ўтказилди.

Жорий йилги мавсум ҳам анъанавий равишда 1 июн — Болаларни ҳимоя қилиш халқаро кунидан бошланади. Республикамиз бўйича жами 1085 та оромгоҳ фаолият кўрсатади. Уларнинг 214 таси стационар, 739 таси кундузги ва 132 таси меҳнат ва дам олиш оромгоҳи эканини айтиш жоиз. Мавсум давомида уларда 281 минг 892 нафар бола соғломлаштирилиши режалаштирилган. Бу хайрли ишлар учун жами 36 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилади.

Анъанага кўра, бир қатор вазирлик, ташкилот ва идоралар билан биргаликда, 214 та ихтисослаштирилган оромгоҳ ташкил этилади. Интеллектуал ривожлантириш, тарбия ва спорт-соғломлаштириш, меҳнат, дам олиш, ижтимоий-мослашув, экологик-биологик, ўлкашунослик, техник ижодкорлик оромгоҳлари қаторига бадиий ижодкорлик йўналишидаги оромгоҳ қўшилиши мавсум янгиликларидан биридир. Мазкур дам олиш масканларига болалар ўз қизиқиши ва иқтидоридан келиб чиқиб жалб қилинади.

Иқтидорли болалар учун интеллектуал ривожлантириш оромгоҳларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, Бўстонлиқ туманидаги «Қуёшли» болалар соғломлаштириш маскани негизида шундай оромгоҳ фаолияти йўлга қўйилди ва унда билимлар беллашувларида ғолиб бўлган 500 нафардан ортиқ фарзандларимиз ҳордиқ чиқарадилар. Шу турдаги оромгоҳлар жойлардаги маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда ҳудудларда ҳам ташкил этилади.

Ўсмир ёшидаги ўғил-қизларнинг ёзги таътилини мароқли ўтказиш ва соғломлаштириш мақсадида эса меҳнат ва дам олиш оромгоҳлари жорий йилда қарийб 2 баробар кўпайтирилди.

«Камолот» ЁИҲ билан ҳамкорликда барча ҳудудларда 14 та тарбия ва спорт-соғломлаштириш оромгоҳи йўлга қўйилади ҳамда уларга вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиялари рўйхатида турувчи болалар қамраб олинади.

Шуларга мос ҳолда, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидан 4,5 минг нафар ўғил-қиз давлатимиз томонидан кўрсатилаётган алоҳида эътибор ва ғамхўрлик ифодаси ўлароқ, Тошкент шаҳри, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларидаги корхона ҳамда ташкилотларга қарашли энг сўлим ва баҳаво оромгоҳларда имтиёзли асосда дам олади. Мавсумнинг яна бир янгилиги — Сариосиё ва Узун туманларидан 100 нафар бола ҳам ана шундай имтиёздан фойдаланади.

— Болалар соғлиғи ва хавфсизлигини таъминлаш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар хусусида ҳам тўхталсангиз.

— Тайёргарлик жараёнида Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликларидаги ишчи гуруҳлар томонидан тизимли ишлар олиб борилди. Хусусан, оромгоҳларнинг педагог кадрларга эҳтиёжидан келиб чиқиб, мавсум давомида 3530 нафардан зиёд педагог кадрлар, етакчи ва тўгарак рахбарлари, чет тиллари мутахассислари ҳамда ўқув юртлари талабалари рўйхати шакллантирилди.

Болаларга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, оромгоҳларда озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини назорат қилиш ҳам доимий эътибордаги масалалардандир. Шу мақсадда оромгоҳларнинг дори-дармонга бўлган эҳтиёжи аниқланиб, 1401,25 миллион сўмлик дори-дармон ва 178,53 миллион сўмлик зардоблар жойларга етказилмоқда.

Оромгоҳларда хавфсизликни таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, ёнғин ва йўл ҳаракати қоидаларига қатъий риоя этилишини назорат қилиш мақсадида етарлича ички ишлар идоралари ходимлари бириктирилди.

Мухтасар айтганда, юртимиздаги барча оромгоҳларда фарзандларимизнинг мароқли ҳордиқ чиқариш ва жисмоний чиниқиш билан бирга, билимларини янада бойитишлари учун барча қулайлик ва шарт-шароитлар яратилди. Зеро, ҳар томонлама баркамол авлод мамлакат қудратини янада юксалтириш ҳамда биз орзу қилган порлоқ келажакни қуришга қодир.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ
суҳбатлашди

(«Халқ сўзи» газетасининг 2014 йил 30 май сонидан олинди.)



Жаҳон бизга ҳавас қилмоқда

— дейди Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси Шоҳиста РАШИДОВА

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Шу онларда тантанали очилиш маросимида Юртбошимизнинг биз ёшларга қарата: «Биз кўзлаган юксак марраларга эришишнинг энг катта, энг муҳим шарти ва омили — бу авваламбор ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом, ҳеч кимдан кам бўлмасдан, бошини баланд кўтариб яшайдиган, Ватанимизнинг тақдири ва истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган баркамол авлодимиз, мана шу муҳташам стадионда тўпланган сизлар каби минг-минглаб ёшларимиз, ўз фарзандларимиздир», дея билдирган ишончи қалбимни ғайрату шижоатга тўлдирмоқда. Бу ишонч, бу далда билан спортчи қозониши мумкин бўлган жамики ғалабаларга эришишимиз шарт.

Ҳозирда Наманган транспорт ва ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежида таҳсилни тугалламоқдаман. Мутахассислигимга бўлгани каби спортга ҳам муҳаббатим кучли. Хусусан, бадиий гимнастика ақлимни таниганимдан бери мени ўзига мафтун этиб келади. 6 ёшимда онажонимнинг қўлимдан етаклаб шаҳримиздаги 19-БЎСМга олиб боргани кечагидек ёдимда. Тинимсиз изланишларим, ўз устимда ишлашим ҳамда устозларим, яқинларимнинг далдаси спортчи сифатида иродамни тоблаб борди.

Ютуқлар заҳматларга муносиб бўлади, деганлари рост экан. 2010 йили водий биринчилиги мусобақасида биринчи, 2011-2012 йилларда Тошкент шаҳрида ўтказилган республика очиқ чемпионатида совринли ўринларни эгалладим. Шунингдек, пойтахтда бўлиб ўтган халқаро турнирда 1-ўринни қўлга киритдим. 2012 йили «Спорт устаси» унвони соҳибасига айландим. Гимнастика бўйича эришган натижаларим муносиб баҳоланиб, 2013 йилда Президентимизнинг Фармонига мувофиқ Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирландим. «Баркамол авлод — 2014» ўйинларида ҳам вилоятимиз терма жамоаси таркибида муносиб чиқишлар қилишга қаттиқ бел боғлаганман. Устозим Зикие Гнездилова билан давомли машғулотларда тайёргарлигимни ошириб бордим.

Юртбошимиз томонидан аёллар, хусусан, ёшларга кўрсатилаётган алоҳида эътибор бизни юксак парвозлар сари йўлламоқда. Буни биргина вилоятимизда спортнинг ушбу нафис тури билан шуғулланаётган қизлар сафи кундан-кун кенгаяётганида, ҳозирги вақтда беш минг нафарга яқин қиз ушбу спорт тури билан замонавий спорт залларида шуғулланаётганида ҳам кўриш мумкин.

Ўтган йил охирида шаҳримизда бадиий гимнастика фестивали бўлиб ўтди. «Баркамол авлод — 2014» спорт мусобақаларига тайёргарлик доирасида ташкил этилган мазкур тадбирда тўрт ёшдан ўн олти ёшгача бўлган 300 нафардан зиёд спортчи қиз ўз маҳоратини намойиш этди. Уларнинг ҳар бири айни шу эътибор ва ғамхўрлик, юксак имкониятлар ва шароит сабаб нуфузли мусобақаларда иштирок этиб келаётган тенгдошларимдир. Аксарияти қишлоқ ёшлари эканлиги янада қувонарли. Зеро, юртимизда ҳар қандай интилиш имконият билан рағбатлантирилади. Шароит, қўллаб-қувватлаш бор жойда эса парвозлар юксак бўлаверади.

Юртбошимиз ишонч билдирганларидек, Ватанимиз, олижаноб халқимизнинг меҳри ва ишончига доимо муносиб бўлишга, маррани ҳамиша баланд олиб, билимга, изланиш ва ўрганишга интилиб яшашга, энг асосийси, ҳеч қачон бўш келмасликка ҳаракат қиламиз.

Ёшлик, камолот ва нафосат тантаналарининг илк ғолиблари номи эълон қилинганда кўпчиликнинг ҳавасланганиниқ. «Баркамол авлод» спорт мажмуасида сузиш бўйича ўсмирлар ва қизлар ўртасида кечган баҳсларда иштирок этган спортчилар шундай шарафга сазовор бўлишди.

«Илк олтинлар бизники!»

Мақсадига эришган Шоҳсанамнинг қувончи чексиз

Эркин усулда 50 метрга сузишда Баҳодир Эгамов (Навоий) ва Шоҳсанам Тошпўлатова (Андижон), 200 метрга сузиш бўйича Артём Пухнатий (Тошкент вилояти) ва Ксения Фомичева (Тошкент ш.) энг яхши натижани қайд этиб, илк олтин медални қўлга киритишди.

200 метрга чалқанча сузишда эса Александр Куришев (Тошкент ш.) ва Рината Тўхтасинова (Андижон), 100 метрга брасс усулида сузишда эса Владислав Мустафин (Тошкент ш.) ва Нодира Шамсуддинова (Андижон) биринчи бўлишди.

— «Баркамол авлод» ўйинларида вилоятимиз жамоаси икки марта шоҳсупанинг юқори поғонасига кўтарилган, — дейди андижонлик Шоҳсанам Тошпўлатова. — Рината, Нодира каби дугоналаримиз билан биргаликда эришган бугунги ғалабамиз жамоадошларимиз ғайратига ғайрат қўшиб, кўшалоқ ғалабаларга эришсак, ажаб эмас. Чунки илк машғулотларданоқ терма жамоамиздаги 87 нафар спортчининг мақсади фақат ғолибликдир.

Таъкидлаш ўринлики, андижонлик қизлар мусобақалар давомида кучли рақиб бўлиши тахмин қилинган эди. Бу фикр ўз тасдиғини топди.

Хусусан, ёш ва умидли спортчи Шоҳсанам Тошпўлатова батерфляй, эркин, брасс, комплекс усулларида сузиш бўйича жуда кўп мусобақларда ғолиб чиққан. Жумладан, ўтган йилги мамлакат чемпионатининг биринчи ва иккинчи босқичларида бирданига 5 та олтин, 3 кумуш, жами 10 та медални қўлга киритганлиги унинг моҳир спортчи эканлигига ишорадир.

Дарвоқе, ҳозирда Андижон машинасозлик институти қошидаги 2-академик лицей ўқувчиси бўлган Шоҳсанам сузиш бўйича Туркияда ўтказилган халқаро мусобақада ҳам олтин медални қўлга киритган эди.



Азамат — мутлоқ ғолиб

— Кўплаб мусобақаларда иштирок этиб, совриндор бўлишга эришганман, — дейди «Баркамол авлод — 2014» ўйинларининг дзю-до спорт тури бўйича мутлақ ғолиби, Ўзбекистон чемпиони Азамат Баҳодурзода. — Аммо бугунги ғалаба ҳаммасидан-да ўзгача, қадрли бўлди. Арзимасдек кўринган нарсалар ҳам спорт-чига ғалаба учун илҳом, иштиёқ бағишлар экан.

Наманган аэропортидаёқ бизни водийга хос такаллуф, ширинсуханлик билан қутиб олишди. Шаҳарнинг батамом гулларга бурканганлиги, ёшлик шижоати ва нафосат ифорига чулғанганлиги бугунгидек куч-қувватга тўлишимга сабаб бўлгандир, эҳтимол.

Дарвоқе, Тошкент шаҳри шаънини ҳимоя қилган Азамат оғир вазн (91+ кг.)даги спортчилар орасида ўз иқтидори ва жиддий ҳозирлик кўрганлигини намойиш этди ва ҳақли равишда олтин медал соҳиби бўлди. Ғалаба муборак, Азамат!

Дилдора РАҲМОНОВА,
«Ishonch» мухбири.
Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

Реклама ўрнида

Qishloq Qurilish Bank

Юртимизда тадбиркорларга ўз бизнесини йўлга қўйиши учун қулай шарт-шароит яратилган. Хусусан, ишлаб чиқилган пухта бизнес-режалар асосида тижорат банклари томонидан молиявий кўмак берилаяпти.

Ҳамкорлик натижасида

янги иш ўринлари яратилмоқда

Мен раҳбарлик қилаётган «Кумуш куз файзи» МЧЖ шаклидаги агрофирма 2008 йилда ташкил топган. Шундан буён ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Яккабоғ филиали мижози ҳисобланамиз. Асосий фаолиятимиз паррандачиликка ихтисослашган бўлиб, ҳозирда туманимиз аҳолисига товуқ гўшти ва тухум етказиб бераяпмиз. Агрофирма иқтисодий имкониятларининг кенгайишида ҳамкоримиз ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Яккабоғ филиалининг ўрни катта. 2011 йилда паррандачилик фаолияти бўйича иш бошладик. Бироқ айрим масалаларни ҳал этишда ўзимиздаги мавжуд имконият камлик қилди. Фаолиятимизни ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган бизнес-режамизни яхши умидлар билан ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Яккабоғ филиалига тақдим этдик. Лойиҳа маъқуллангач, агрофирмага Халқаро Тараққиёт Ассоциациясининг «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш лойиҳаси II-Фаза» кредит линияси ҳисобидан 170781 АҚШ доллари миқдорида узоқ муддатли кредит ажратилди. Мазкур кредит маблағи эвазига хориждан 25 500 бош товуқни сақлашга мўлжалланган ускунани олиб келиб ўрнатдик. Натижада, бугунги кунда барча қулайликларга эга товуқ сақлаш ва тухумни автомат тарзда йиғиштириш ускунаси орқали самарали фаолият олиб бормоқдамиз. Ҳозирда агрофирма томонидан кунига ўртача 20500 дона тухум олиниб, туман бозорларига узлуксиз етказиб берилмоқда. Ўтган йили агрофирма 228 миллион сўм соф фойда кўрди.

Олинган кредит эвазига ишлаб чиқаришни ривожлантириш билан бирга, агрофирмада қўшимча 15 та янги иш ўрни яратилди. Айтиш жоизки, шундан 5 нафари касб-ҳунар коллежи битирувчилари.

Келгусида ҳам ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк»нинг кредитларидан самарали фойдаланган ҳолда янги лойиҳаларни амалга оширишни давом эттирамиз.

Дилмурод КАМОЛОВ,
Яккабоғ тумани
«Кумуш куз файзи»
МЧЖ раҳбари

Туризм ва спорт

Ҳузурбахш онлар

Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Ховос тумани кенгаши томонидан таълим тизимида ишловчи 45 нафар ходим ва меҳнат фахрийсининг Самарқанд шаҳрига саёҳати уюштирилди. Улар бу ердаги тарихий ёдгорликлар ва мустақиллик йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишдилар.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, вилоят педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, вилоят драма театри ходимлари ўртасида Гулистон шаҳридаги Марказий ўйингоҳда «Саломатлик спартакиадаси» ташкил этилди. Спартакиадада волейбол, стритбол, стол тенниси, шахмат ва арқон тортиш бўйича мусобақалар ўтказилди. Якуний натижага кўра, волейбол мусобақасида 2-педагогика коллежи жамоаси, стритболда Гулистон шаҳар халқ таълими бўлими ходимлари, ақл гимнастикаси бўлган шахматдан эса вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ходимлари 1-ўринга муносиб деб топилди.

Ғолиблар Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Гулистон шаҳар кенгаши томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Ўз мухбиримиз

Билимдонлар баҳси

«Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш, оилавий китобхонликни тарғиб қилиш мақсадида ўтказилган «Китобхон оила» республика кўрик-танлови ўқувчиларнинг бадиий адабиётлар мутолаасига бўлган қизиқишини янада кучайтирди.

Зукко китобхонлар

Умумтаълим мактаб ўқувчилари ўртасида уч босқичда ташкил этилган ушбу танловнинг 1-босқичи туман (шаҳар) миқёсида ахборот-ресурс марказларида, 2-босқичи Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар миқёсида ҳудудий АРМларда уюштирилди.

Республика болалар кутубхонасида ўтказилган якуний республика босқичида ҳудудлардан ғолибликни қўлга киритган китобхон оилалар иштирок этишди. Якунда Бухоро вилояти Ғиждувон тумани 17-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Машҳура Абдурашидова — олий, Хоразм вилояти Хонқа тумани 1-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Гулноза Сафаева ҳамда Қашқадарё вилояти Яккабоғ тумани 42-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Фотима Рашидовалар биринчи ўринга лойиқ деб топилди.

Иккинчи ўрин Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳридаги 33-мактабнинг 5-синф ўқувчиси Ерболат Байрамбаев ҳамда Тошкент шаҳар Ҳамза тумани 69-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Шаҳло Хурсанбаевага насиб этди.

Учинчи ўрин ҳакамлар хулосасига кўра, танловда фаол иштирок этган барча оилалар аъзоларига берилди. Улар «Энг ёш китобхон», «Энг нотиқ иштирокчи», «Энг фаол китобхон оила аъзолари», «Энг зукко китобхон», «Энг интилувчан китобхон», «Энг ифодали ўқувчи китобхон», «Энг ижодкор ўқувчи» номинациялари бўйича диплом ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди.

Д.ЎРОЛОВ,
Республика болалар кутубхонаси директори

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari
Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati:
Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 3 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi:
133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir:
B.Rizayev
Navbatchi:
U.Ibodinov
Musahhih:
N.Umarova

Bosishga topshirish vaqti -21.40
Topshirildi - 22.00

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teridi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 518 | 20737 nusxada bosildi | 1 2 3 4 5